



АНДИЖОН ВИЛОЯТИНИ ИҚТИСОДИЙ-ИЖТИМОЙ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ИМКОНияТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ, АҲОЛИ БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 15-16 февраль кунлари Андижон вилоятида бўлди.



Ташрифнинг иккинчи кунни Хонобод шаҳридаги Янги ҳаёт маҳалласи ҳаёти билан танишишдан бошланди.

Хонобод мамлакатимизнинг энг шарқий ҳудуди. Чегарада жойлашгани сабабли илгари ёпиқ шаҳар эди. Охириги йиллардаги ўзгаришлар, яхши кўшичилик сиёсати натижа-сида Хонобод янада обод ва кўрамлашди. Унинг иқтисодий-анча соғломлашиб, аҳоли турмуш даражаси юксала бошлади. Бугун бу ерда туризм, саноат, мева-сабзавотчилик ва хизматлар ривожланмоқда.

Янги ҳаёт маҳалласи фаоллари давлати-миз раҳбарига одамларнинг турмуш тарзи ҳақида сўзлаб берди.

Бу маҳаллада 3 минг 500 дан ортқ аҳоли яшайди. Мактабга таълим ташкилотлари, мактаб ва коллежларда сифатли таълим учун шароитлар бор. Тоғ ёнбағридаги дам олиш масканлари, ишлаб чиқариш корхоналари ва томорқа хўжаликлариди аҳоли иш билан банд.

Бундан ташқари, ўндан ортқ уй меҳмон-хонаси, йигирмага яқин савдо дўкони, сар-тарошхона, хизмат кўрсатиш шохбчалари фаолият юритмоқда. Утган йилда маҳалла-даги юз нафардан ортқ ишсиз аҳоли дои-мий ва мавсумий ишларга жойлаштирилди. Яна 181 фуқаро ўзини ўзи банд қилган.

Ўзбекистон Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги фармониға мувофиқ, маҳал-ла институтининг жамиятинизда ва аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатидаги роли оширилди. Маҳалла раи-си, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика инспектори, солиқчи ва ижтимоий хизмат ходимидан иборат “маҳалла еттичилиги” ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбари ушбу тизим вакил-лари билан суҳбатлашди.

— Биз биринчи кундан халқ билан му-лоқот, халқни рози қилишга киришганмиз.

Шунинг учун маҳалла тизимини биринчи бўғин сифатида ривожлантиряпмиз. Ма-ҳалла — фуқаролик жамиятининг асоси. Бу халқнинг дарди, овози, дегани. Маҳалладаги давлат вакиллари берилган ваколат ва маб-лағлардан фойдаланиб, дунёқарашини ўзгар-тириб, одамларни рози қилиши керак. Ишо-наманки, Янги ҳаёт маҳалласи Ўзбекистонга намуна бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президент маҳалла гузари, савдо ва хиз-мат кўрсатиш шохбчаларини ҳам кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари Хонобод шахри Янги ҳаёт маҳалласида яшовчи Салоҳиддин Усмонов хонадониди меҳмон бўлди.

Оила бошлиғи рафиқаси Зиёда опа билан икки фарзандни вояга етказган. Ҳовли обод. Уй замонавий қиёфага эга, томига қуёш пан-неллари ўрнатилган. Шунингдек, энергия тежамкор алоҳида иситиш тизими барпо этилган.

Сўнгги йилларда Хонободда туризм ри-вожланмоқда. Инфратузилма яхшиланиб, сайёҳлар жалб этилмоқда. Бу имкониятлар-дан фойдаланиб, хонадонда уй меҳмонхона-си ташкил этилган.

С.Усмонов қишлоқ хўжалиғи мутахасси-си. Улар кўзикорин етиштириш билан ҳам шугулланади.

Президентимиз бундай омилкорликни маъқуллаб, бошқа жойларда ҳам қўллаш му-ҳимлигини таъкидлади.

— Ҳар бир маҳалланинг ўз имко-ниятлари, ананалари, одамларнинг хо-ҳиш-истаклари бор. Маҳалла уюшмиси ва иқтисодий комплекс вакиллари улар-ни аниқлаб, қўллаб-қувватласа, аҳоли-ни банд қилиш, даромад манбаи яратиш мумкин. Шунинг учун ҳамма масъулар-ни қўйи бўғинга тушириб, ҳудудларни маҳаллабай ривожлантиришга эътибор қаратяпмиз, — деди Президент.

Шундан сўнг Хонобод шахрида Президент Шавкат Мирзиёев раислиғида Андижон вилоятини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш масалалари муҳокамаси бўйича йиғилиш ўтказилди.

Андижон вилоятида саноат, тадбиркор-лик, қишлоқ хўжалиғи, туризм ва ижтимоий соҳалар юксалмоқда. Шу билан бирга, ҳали фойдаланилмаган имкониятлар ҳам кўп.

Йиғилишда шундай имкониятлар кўрса-тилиб, уларни ишга солиш бўйича чоралар ва масъуллар белгиланди.

Бу йил Андижонда 190 та кўп қаватли уй-жой қурилиб, 7 мингта оила янги хона-дон билан таъминланиши, Асака туманида “Янги Ўзбекистон” массиви барпо этилиши қайд этилди.

Маҳаллаларни обод қилиш ва қўламазор-лаштириш бўйича Андижон тажрибаси яра-тилади. Уларни мева-сабзавот, чорвачилик, хунармандчилик, касаначилик, саноат, савдо ва хизматга чуқур ихтисослаштириш бўйича дастур амалга оширилади. Бу мақсадларга 850 миллиард сўм кредит ресурслари ва 50 миллиард сўм субсидия ажратилди.

Транспорт хизматларини яхшилаш мақ-садида Хонободдан Асакага поезд қатно-вини йўлга қўйиш, Андижондан юртимиз-нинг бошқа шаҳарларига поезд ва автобус қатновини кўпайтириш режалаштирилди. Шунингдек, кичик ва микро ГЭСлар қуриш, электр тармоқлари ва йўлларни таъмирлаш бўйича топшириқлар берилди.

Вилоятда ишсизлик даражаси 7 фоизга тушган. Аҳолининг тадбиркорликдан олаёт-ган даромади 1,5 бараварга ошган. 225 минг аҳоли ўзини ўзи банд қилган.

Лекин ҳали 400 минг аҳолини камбағал-ликдан олиб чиқиш, битирувчи ёшлар банд-лигини таъминлаш зарур. Шу мақсадда улар касб-хунарга ўқитилди, имтиёзли кредит-лар берилиб, тадбиркорликка жалб этилади.

Хитой тажрибаси асосида маҳаллалар че-тида иссиқхоналар ташкил этилиб, эҳтиёж-манд оилаларга бўлиб берилди. Ёшлар ах-борот технологиялари ва хорижий тилларга кўшимча ўқитилди.

Андижонда автомобилсозлик соҳасида 12 та йирик ва 160 дан ортқ маҳаллий кор-хона бор. Уларда 17 минг аҳоли банд. Буни янада ошириш учун эҳтиёт ва бутловчи қис-мларни кооперация асосида маҳаллаларда иш-лаб чиқариш кенгайтирилади. Булоқбошида керамик плита, Марҳамат ва Балиқчида чин-ни буюмлар корхоналари ташкил этилади.

Вилоятда ип-калавани қайта ишлаш да-ражасини 100 фоизга етказиш имконияти борлиғи қайд этилди. Бу йил 150 миллион долларлик бўяш ва тайёр кийим ишлаб чи-қариш лойиҳалари яқунланиб, 6 мингта иш ўрни яратилди. Тўқимачилик корхоналари-га Италиядан дизайнерлар олиб келинади. Шунингдек, Олтинқўл туманида мебелсоз-лик комплекси барпо этилади.

Мураккаб таркибли дори ва тиббий буюм ишлаб чиқариш бўйича 7 та лойиҳа амалга оширилади. Олий таълим муасса-саси билан бирга фармацевтика кластери ташкил қилинади.

Андижон вилояти билан Хитой ишбилар-монлари ўртасида 3 миллиард долларлик ке-лишувларга эришилган. Унинг 1 миллиард долларини шу йилнинг ўзида жалб этиш мумкин. Шу мақсадда Андижон туманида 218 гектарда “Ипак йўли” эркин иқтисодий зонаси ташкил қилинади. Инвесторларга эркин иқтисодий зоналар учун белгиланган барча солиқ ва божхона имтиёзлари бери-лади. Шунингдек, саноат зоналаридаги бўш ерларга 300 миллион долларлик лойиҳалар жойлаштирилади.

Мутасаддилар жорий йилда 2,5 мил-лиард доллар хорижий инвестиция олиб ке-либ, 45 мингта иш ўрни яратиш, 1 миллиард

долларлик экспортни таъминлаш режалари-ни баён қилди.

Замонавий меҳмонхоналар ва туризм марказлари барпо этилиб, 20 минг киши-нинг бандлигини таъминлаш имкони борли-ғи айтилди.

Қишлоқ хўжалиғидаги асосий вазифа ҳосилдорликни ошириш, экспортни кўпай-тириш ва саноатлаштириш бўлади. Шу мақ-садда пахтачиликда 80 центнергача ҳосил берадиган, тола чиқими 45 фоизгача бўлган Хитой нави экилади. 10 минг гектарда том-чилатиб сугориш жорий қилиниб, яна 20 минг гектар ер лазер усулида текисланади. “Туямўйин”, “Миян”, “Чинободсой”, “Қа-дим”, “Қағортол”, “Пахтаобод” каналлари бетонланади.

Мева-сабзавот етиштириш учун оилавий тадбиркорлик доирасида 100 миллион сўм-гача гаровсиз кредит ажратилди, қурил-малар харид қилишга субсидия берилди, сердаромад экинлар уруғи ва кўчати хара-жатининг 30 фоизи қопланади.

Озиқ-овқат саноатига хорижий брендлар жалб этилади. Андижон туманида йирик агрологистика маркази қурилади. Дарё ва зовулар, уларнинг атрофи тадбиркорларга ижарага берилиб, парранда ва балиқ боқиш йўлга қўйилади. Марҳаматдаги пиллачилик кластери Андижоннинг ҳамма туманларига намуна бўлди. Йўл бўйлари, дала, боғ ва ток четлари аҳолига бўлиб берилиб, 20 миллион тут экилади.

Ижтимоий соҳалар таҳлил қилинар экан, аввало, мактаб таълими сифатини ошириш-га эътибор қаратилди. Шу мақсадда 10-11-синф ўқувчиларига аниқ, табиий ва чет тили фанларидан бирини чуқур ўрганиш ёки ишчи ва IT касбларга ўқиш имкони ярати-лади. Бунинг учун мактабларда устахоналар ташкил этилиб, амалий машғулоти тадбир-корлар ўтказилади.

Асака агротехнология техникуми билан Андижон қишлоқ хўжалиғи институти ўр-тасида “2+2” дастури жорий қилинади. Ан-дижон иқтисодиёт ва қурилиш институтида бошқарув ва ўқитиш методикалари янгила-нади.

Вилоят шифохоналарини ривожлантириб, кардио, эндо ва микрохирургия йўналиши-да тиббий хизматлар экспортини 2 баробар ошириш мумкинлиғи қайд этилди. Андижон шаҳридаги бир-бирига яқин жойлашган 8 та шифохонани кластер усулида бирлаштириш, Тиббиёт институти клиникаси негизида кўп тармоқли тиббиёт маркази ташкил қилиш бў-йича таклифлар билдирилди.

Президентимиз йиғилиш улуг шоир За-ҳридин Муҳаммад Бобур туғилган кун-ларда бўлиб ўтаётганига эътибор қаратиб, ушбу сана муносабати билан андижонлик-ларни табриклади. Андижон шаҳридаги Бо-бур номидаги маданият ва истироҳат боғи янги гоёвий концепция асосида қайта қури-лиши маълум қилинди.

Давлатимиз раҳбари Андижон шахри-даги санъат мактабига ўзбек кўшичили-гига бекиёс ҳисса қўшган, Ўзбекистон ва Тожикистон халқ артисти Шерали Жўраев номини беришни таклиф қилди. У Мусиқа ва санъат коллежига айлантирилиб, грант асосида янги истеъдод эгалари тарбияла-нади.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар, ҳокимлар ҳамда тадбиркорларнинг таклиф ва ташаб-бусларини эшитди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёев-нинг Андижон вилоятига ташрифи якунланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АВВАЛБЕКОВ,
Фахриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎЗА мухбирлари

Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ, ҚАТЪИЙ ТАРТИБ-ИНТИЗОМ ВА ШАХСИЙ ЖАВОБГАРЛИК

ички ишлар органлари ходимлари фаолиятининг бош мезони

Янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш мақсадида барча соҳаларда түб янгиланишлар, кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу жараёнда мамлакатимиз олдида турган устувор, стратегик ҳамда долзарб вазифаларни тезкорлик билан ҳал қилишда ижро интизомини мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, ижро интизими давлат ор-ганлари ва ташкилотларининг иш самара-дорлигини таъминловчи энг муҳим омил-лардан биридир. Бир сўз билан айтганда, жамият ҳаётининг турли жаҳдаларида ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши, энг аввало, давлат органлари

ва ташкилотларининг барча бўғинларида ижро интизомининг юқори даражада таъ-минланишига боғлиқ.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатно-масида ислохотларимиз натижасини ҳар бир инсон ўз ҳаётида ҳис этиши учун қабул

қилинаётган ҳужжатлар ижросини ўз вақ-тида ва самарали таъминлаш лозимлиғига алоҳида тўхталиб ўтилган. Бу борада **янги иш тизими жорий этилиши** белгиланган.


Шу муносабат билан Президентимиз-нинг 2021 йил 10 февралда “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва ма-ҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбир-лар тўғрисида”ги фармони ҳамда 2021 йил 31 майда “Ijro.gov.uz” ижро интизими идо-ралараро ягона электрон тизими самарали

фаолият кўрсатишини таъминлашга қара-тилган қўшимча чора-тадбирлар тўғриси-да”ги қарори қабул қилинди. Уларга кўра, қонунчилик ҳужжатлари ижросини таш-кил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият орган-лари раҳбарларининг шахсий жавобгарли-гини кучайтириш ҳамда “Ijro.gov.uz” ягона электрон тизими самарали фаолият кўрса-тишини таъминлашга қаратилган **қону-чилик ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини назорат қилишнинг мутлақо янги тизими жорий қилинди**.

► Давоми 3-бетда

ЭКОЛОГИК ДИПЛОМАТИЯ

Самарқанд яна глобал муаммога ечим топиш марказига айланди





Халқаро конференция

ЭКОЛОГИК ДИПЛОМАТИЯ

Самарқанд яна глобал муаммога ечим топиш марказига айланди



Ислом ХУШВАҚТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати

Бугунги глобал ривожланиш ва иқлим ўзгаришлари даврида дунё миқёсида биологик хилма-хиллик, яъни ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиий ландшафтлар жадал суръатларда қисқараяпти. Боз устига, камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи ҳайвон турлари ёввойи ҳайвонот дунёсида йўқолиб бормоқда.

Бу нафақат бугунимиз, балки инсоният келажаги учун ҳам жуда ёмон ҳолат. Боиси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси бойликлари инсон ҳаётининг асосидир. Шунинг учун генетик ресурслар, турлар ва экотизимларни муҳофаза қилиш ва сақлаш, биологик ресурслардан барқарор фойдаланишни таъминлаш учун шошилиниш ва ҳал қилувчи ҳаракатлар талаб қилинади.

Мамлакатимизда соҳанинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, молиявий манбалари яратилди. Соҳага оид кўплаб қонун ва қонун-ости ҳужжатлар қабул қилиниб, ўсимлик, ҳайвонот дунёси, ўрмон ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар соҳаларидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи қонунлар янги тахрирда амалиётга киритилди.

2030 йилгача атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда 10 йилга мўлжалланган

биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиялари самарали амалга оширилмоқда. Биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш айнан муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда тўлақонли кечишини ҳисобга олган ҳолда, бугун улар майдони мамлакат умумий ҳудудининг 14 фоизига етказилди. Ваҳоланки, ушбу кўрсаткич 5 йил олдин 5,2 фоизни ташкил этарди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг тенг иштирокчиси сифатида биологик хилма-хилликни асраш йўналишида қатор халқаро ҳужжатларни ратификация қилган. Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги, Йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турлари билан халқаро савдо қилиш тўғрисидаги, Сувда сузувчи қушларнинг асосий яшаш манзили бўлган халқаро аҳамиятга эга сувли-ботқоқ ерлар тўғрисидаги конвенциялар шулар жумласидан.

БМТнинг Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрвучи турларини сақлаб қолишга доир конвенцияси Томонлар конференциясининг шу кунларда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтгаётган 14-йигилиши кўчиб юрадиган ёввойи ҳайвонларни сақлаш бўйича халқаро ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва самарадорлигини оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Бу конвенция БМТнинг Атроф-муҳит бўйича дастури доирасида тузилган халқаро ҳужжат бўлиб, ёввойи табиат ва ҳайвонларнинг яшаш жойларини глобал миқёсда муҳофаза қилишга қаратилган. Конвенция кўчиб юрвучи ҳайвонлар ўтадиган оралиқ давлатларни бирлаштиради ва миграция

оралиғида халқаро миқёсда келишилган табиатни муҳофаза қилиш чоралари учун ҳуқуқий асос яратяпти.

1979 йилда Боннда (Германия) имзоланган ва 1983 йилда кучга кирган мазкур конвенцияга бугунги кунда 133 мамлакат аъзо. Ўзбекистон 1998 йилдан ушбу халқаро ҳужжатнинг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади.

COP14 конвенциянинг юқори даражадаги халқаро конференцияси бўлиб, унда турли мамлакатлар ҳукуматлари, олимлар ва манфаатдор томонлар кўчиб юрвучи турлар ва уларнинг яшаш жойларини сақлаш стратегиясини келишиб олиш учун бирлашади.

БМТнинг ушбу нуфузли тадбири МДҲ давлатларида ўтказилмаган ва мамлакатимизда бўлиб ўтиши тарихий аҳамиятга эга.

COP14 логотипида Марказий Осиё ёдгорликларининг машҳур зангори плиталарини эслатувчи нақш билан безатилган қанотли қор қоплони тасвирланган. Тадбир логотипи кўчиб юрвучи турлар сиёсий чегараларга бўйсунмаслигини ва уларнинг омон қилиши халқаро ҳамкорлик ва трансчегаравий ҳаракатларга боғлиқлигини эслатади.

Самарқанд халқаро учрашувида миграцион ҳайвон турларининг яшаш жойларини сақлаш ва тиклаш масалалари, шунингдек, ҳаддан ташқари эксплуатация, яшаш жойларининг йўқолиши, ифлосланиши ва иқлим ўзгаришларининг турларга таҳдидлари муҳофаза қилинди.

Ҳайвонларнинг кўчиб юрвучи турлари сайёраимиз экотизимларининг ажралмас

қисмидир. Афсуски, ҳозирги кунда улар иқлим ўзгариши, яшаш жойларининг яроқсиз ҳолга келиши, ноқонуний ов ва савдо каби жиддий таҳдидлар билан тўқнаш келмоқда. Натижада ҳайвонларнинг генетик ресурслари қисқармоқда, уларнинг нодир ва ноёб турлари, табиий уйғунлик ва экотизимлар йўқолиб борапти.

Тадқиқотларга кўра, Ер юзидан сўнгги 50 йилда уларнинг 100 дан ортиқ тури, Марказий Осиёда эса 26 турдаги қушлар, 12 турдаги сут эмизувчилар, жумладан, Турон йўлбарси, Осиё қоплони ва бошқа эндемик турлар бутунлай йўқ бўлиб кетди.

Бунга эса жимгина қараб туриб бўлмайди. Ҳўш, бу борада нима қилмоқ керак? Бунинг учун, энг аввало, биохилма-хилликни келажақ авлодлар ва барқарор ривожланиш учун сақлаш, инсон ҳаётининг табиат билан уйғунлигини таъминлаш лозим бўлади. Бунинг ёлғиз бир мамлакатнинг ўзи ҳал қилиши қийин, албатта. Шундай экан, ушбу масалага бутун халқаро ҳамжамият саъй-ҳаракатларини бирлаштириш аини мудоаодир.

Бу жараёнда ёввойи ҳайвонларни парвариш қилиш учун юртимизда янги питомниклар ташкил этилгани ҳам ўз самарасини бераётди. Шунингдек, ноёб қуш турлари ва сут эмизувчиларнинг ўз яшаш маконларида кўпайишини қайта тиклаш бўйича дастурлар амалга оширилмоқда. Айниқса, Орол дентизининг қуриган тубида 2 миллион гектарли ўрмон яратилаётгани ўсимликлар хилма-хиллигини ва ҳайвонот дунёсини қайта тиклаш имконини берапти.

Табиат чегара билмайди. Айниқса, кўчиб юрвучи ёввойи ҳайвонлар турлари учун сиёсий чегаралар бегона. Демак, уларни асраб-авайлаш, бу турдаги ҳайвонларнинг омон қилиши, биологик хилма-хилликни сақлашда халқаро ҳамкорлик ва трансчегаравий саъй-ҳаракатлар муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда биологик хилма-хилликни асрашга қаратилган эзгу амаллар, хусусан, бундай нуфузли анжуманлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик барқарорлиқни мустаҳкамлаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, энг муҳими, Самарқанднинг экологик дипломатиянинг таъсири марказларидан бири сифатида мақомини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Нуқтаи назар

“СУВ ТЕКИН” ДЕГАН ТУШУНЧА УНУТИЛИШИ КЕРАК

Юртимизда экинларни суғориш тизими бутунлай янгиланиш босқичига ўтмоқда. Амалиётга янги технологиялар — томчилатиб, ёмғирлатиб суғориш каби усуллар кириб келмоқда. Канал ва ариқлар ўзани бетонланиб, ирригация тармоқлари таъмирланаяпти.



— Бухоро вилоятида экин суғориш учун сарфланадиган обихаётнинг 97 фоизи Амурдариёдан чиқарилган каналлар орқали олинади, — дейди Аму-Қорақўл ирригация тизими бошқармаси бошлиғи Асрор Султонов. — Токи дала бошига етиб келгунча икки-уч марта насос станциялари билан кўтариб берилади. Буларнинг бари ортқича сарф-харажат талаб қилади. Шундай экан, биз учун унинг ҳар томчиси қадрли. Сувни асраш эса ҳар бир фуқароннинг виждон амри, зиммасидаги бурчига айланиши шарт.

Бу борадаги ишларга вилоятнинг олис тумани — Қорақўлда ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, бутун маҳаллий фермерлар 415 гектар ерда томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиб, баракали ҳосил олди. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 5 январдаги “Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди белгиланган вази-

фалар асосида ҳам қатор лойиҳалар ишга қилинмоқда. Бунда, аввало, йиллар давомида шаклланган “сув текин” деган тушунчани одамлар онгидан чиқариш борасида тарғибот олиб боришмоқда. Техамкор суғориш технологияларини амалда қўллаш мумкин қадар кенгайтирилмоқда. Туман миқёсидаги ҳўжаликларро 139 километр канал-ариқ ва ички сув йўларини бетонлаш авжнда. Фермер ҳўжаликлари жонбозлиги билан бугунга қадар 70 километрдан ортиқ ариқ ўзани бетонланиб бўлинди.

Фермер ҳўжаликлари далаларига ўрнатилаётган насос агрегатлар, ҳовузлар учун мембрана қопламалар, гидрант, фильтр, қатор ораларига тортилаётган қувурлар, трансформаторлар ҳолати ўрганилиб, йирик ва кўп тармоқли “Мергантекс” пахта-тўқимачилик кластерида зарур деталларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

Агрокластер томонидан 1300 гектар майдонда томчилатиб суғориш жорий этилган. Натижада сув сарфи камайиб, ер

унумдорлиги яхшиланаётгани ҳўжаликлар моддий манфаатдорлигини ҳам оширмоқда. Айрим фермер ҳўжаликлари пахтадан 70 центнергача ҳосил олаётгани фикримиз далили.

Албатта, фермерлар қаторида томорқа ер эгалари ҳам энди тежамкорлик йўлига ўтиши зарур. Президент қарорида жорий йилдан бошлаб қишлоқ ҳўжалиги ерларини суғориш ва балиқчилик тармоғини ривожлантириш учун фойдаланиладиган сув ҳажми, шу жумладан, деҳқон ҳўжаликлари ва қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган экин ерларига эга жисмоний шахсларга сув ресурсларидан фойдаланиш учун сув солиғи белгиланди. Шу билан бирга, обихаётни тежайдиган суғориш технологиясини жорий этиш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқарувчиларига “SUVKREDIT.UZ” платформаси орқали 5 йил муддатга, шундан 2 йили имтиёзли давр билан йиллик 14 фоиз ставкада кредит ажратилади.

— Харажатларнинг бир қисmini қоплаш учун субсидиялар мазкур технологиялар жорий қилинган йилнинг ўзида тўлиқ миқдорда ажратилади, — дейди Асрор Султонов. — Сув ҳўжалигида қутилган долзарб мақсадга эришишда “Ақили сув” қурилма-ларидан фойдаланиш ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қанчалик мураккаб ва қийин бўлмасин, қишлоқ ҳўжалиги соҳасини мунтазам сув билан таъминлаш мақсадида катта маблағ йўналтирилиб, тармоққа янги технологиялар киритилаётган экан, бунга катта масъулият билан ёндашишимиз шарт. Чунки сув тежаш масаласи кун сайин долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Бу жиҳат шу йилнинг 12 февраль куни Президентимиз ранслигида қишлоқ ҳўжалигида ишга солинмаган янги захираларни сафарбар этиш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам алоҳида қайд этилди.

Қиш фасли — деҳқон учун тигиз иш мавсуми. Ҳозир имкон қадар экин ерини лазерли текислаш, чуқур шудгорлашдан кейинги қишки чилла сувидан қондириб суғориб, шўр ювиш ишлари қизгин давом этмоқда. Бу борада ҳам сувдан тўғри ва оқилона фойдаланиш талаб этилади.

Аббос ИБОДУЛЛАЕВ,
журналист



МАҲАЛЛАДА БЕКОРЧИ ЙЎҚ

Комил Намозовни Жонбулоқ маҳалласига ҳоким ёрдамчиси қилиб ишга ўтказмоқчи бўлишганида у анчагина хавотирда эди. Боиси, иқтисодчи бўлса-да, янги лавозимнинг ўзига хос масъулияти, бажариши керак бўлган ишларни уддалай олишига бир оз иккиланганди. Кўпчилиكنинг таклифига кўра, асли шу маҳаллада бир неча йилдан буён раис ёрдамчиси бўлгани боис, таваккалига иш бошлади.

Дастлаб қўлига қоғоз-қалам олиб, бир-ма-бир хонадонларга кириб, одамлар билан яқиндан гаплашишга ҳаракат қилди. Ким нима билан банд, кимга қандай имконият яратишга кўмаклашилса, тадбиркорлик билан машғул бўлиши мумкин? Ўзини ўзи банд қилиш учун нималарга эътибор қаратиш лозим? Шу каби қатор йўналишлар бўйича хатлов қилди. Кейин ўз олдига режа қўйиб, иш бошлади.

2022 йилнинг ёзида иш бошлаган бўлса, орадан икки ой вақт ўтмасдан кўпгина ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлашга эришди. Яқин атрофдаги тадбиркорлар билан гаплашиб, қўшимча иш ўринлари билан гаплашиб, қўшимча иш ўринлари очишга ёрдам берди. Бундан ташқари, имтиёзли кредит эвазига олинайи тадбиркорлик ташкил этилишига кўмаклашди. Натижада 2023 йилга келиб, ҳудудда ишсизлар сони анчагина камайди. Беҳудда қилб сарфлаб, қўча-қўйда гурун қилиб ўтирадиганлар кўзга ташланмай қолди.

— Ўтган йили ҳам ишсизликни камайтириш ҳаракатларимиз яхши самара берди, — дейди Ғузор туманидаги “Жонбулоқ” маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси Комил Намозов. — Жорий йил бошида қайта хатлов қилдик. Бу йил, асосан, уйда ишсиз ўтирган хотин-қизлар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратганимиз. Хатлов натижаларига кўра, “Аёллар дафтари”, “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари”га киритилган ва банд бўлмаган жами 43 нафар хотин-қиз рўйхатга олинган. Қисқа фурсатда улар тўлиқ иш билан таъминланди. Бунинг учун чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, касаначилик асосида

уйда меҳнат қилиб, камида 1,5-2 миллион маблағ ишлаб топиш имконияти яратилди. Ҳозир Президентимизнинг 2023 йил 21 декабрдаги “Оилаларни мустаҳкамлаш ва хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида амалий ҳаракатни бошлаб юбордик. Яъни қўшни маҳаллада фаолият юритаётган тадбиркор билан гаплашиб, элик аёл учун тикувчи-касанаичилик йўналиши бўйича шартнома туздик. Бугун-эрта улар қўшни қишлоқдаги касб-хунар мактабида ташкил этилаётган ўн кунлик ўқув курсида ўқиб-ўрганиб, сўнг иш бошлайди. Айни кунларда субсидия асосида уларга тикув машиналари харид қилиш ҳаракатидамиз. Демак, тез орада маҳалламизда ишсиз хотин-қизлар қолмайди.

Ҳоким ёрдамчисининг бу ташаббуси бутун маҳалла аёлларини мамнун этди. Йиллар давомида ишсиз бўлган уй бекалари эндиликда хонадонидан чиқмай, маош олишига имконият яратилмоқда. — Уч-тўрт йилдан буён ишсизман, — дейди Асалоӣ Тиллаева. — Маҳалла идорасига бир неча бор иш сўраб борганимда, бирор тайинли жавоб ололмаганим. Кейинчалик “Аёллар дафтари”га рўйхатга қўйилди. Шундай бўлса-да, иш тополмасдан юргандим. Яқинда маҳалламиз ҳоким ёрдамчиси қақариб, касанаичилик асосида иш бошлашимизни айтиб қолди. Бу хабар барчамизни қувонтириб юборди. Бизга эркаклар қишки қийимни ҳамда турли чой-шабларни буюртма асосида тикиб, қилинган меҳнатга қараб, маош бериларкан. Мен

авваллари ҳам тикувчилик қилганман. Шу сабаб буни осон ўрганиб оламан. Фақатгина иш бошласа бўлгани.

Жонбулоққа кўшни жойлашган Батош маҳалласида касанаичилик аллақачон бошлаб юборилган. Яъни бу ҳудуднинг ҳоким ёрдамчиси ҳаракати билан 2023 йилда 43 аёлга ўз уйида ишлашга имкон яратилган бўлса, жорий йил бошидан яна 52 хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Бундан ташқари, ҳозир ишсиз бўлган яна 33 хотин-қизни касанаичиликнинг бошқа йўналишларига жалб этиш режалаштирилмоқда.

— Яқин икки ой ичида маҳалламизда ҳам аёллар орасида ишсизликка тўлиқ барҳам берилди, — дейди “Батош” МФЙдаги ҳоким ёрдамчиси Бекзод Ҳамидов. — Касанаичиликни яхши йўлга қўйдик. Жумладан, тўқсондан ортиқ киши тикувчилик бўйича машғул бўлса, гилям тўқишга ҳам йитирма нафари жалб этилган. Шу ерда яшовчи тажрибали хунарманд Турсуной опа бундан икки йил олдин гилямдўзлик бўйича устоз-шогирд аъёналарини давом эттирган ҳолда ўз уйида ёш хотин-қизларга хунар ўргата бошлади. Ўзи бош бўлиб, тўқилган гилямларнинг сотувини йўлга қўйди. Натижада қизиқувчилар сони кўпайиб, шу хунарни эгаллаганлар бугун яхшигина пул ишлаб топмоқда. Айни пайтда Турсуной опа касанаичиликни гилям тўқиш учун керакли ип ёки бошқа маҳсулотлар билан таъминлаб, тайёр маҳсулотни ўзи сотиб олмақда.

Ғузор тумани камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими маълумотларига кўра, 2023 йилда айнан ҳоким ёрдамчилари ташаббускорлиги билан янги иш ўринлари очил ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш режаси 113 фоз бажарилган. Жорий йилда бу кўрсаткични янада ошириш мақсад қилинмоқда.

Ақбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ, ҚАТЪИЙ ТАРТИБ-ИНТИЗОМ ВА ШАҲСИЙ ЖАВОБГАРЛИК

ички ишлар органлари ходимлари фаолиятининг бош мезони



Пўлат БОБОЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирли

Бошланиши 1-бетда

Ушбу фармон ва қарор билан қонунчилик ҳужжатлари ҳамда топшириқлар ижросини ташкил этиш, мониторинг қилиш тизими янада такомиллаштирилди, ижронини ташкил этиш жараёни босқичма-босқич очиб берилди. Бу борада ҳар бир раҳбар ва ходимнинг ўзи бевоcита масъул бўлган соҳадagi ишлар ҳолатига танқидий ёндашиш, зиммасига юкланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажаришини таъминлаш чора-тадбирлари белгиланди.

Фармон ва қарор ижросини таъминлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича Ички ишлар вазирлигида қонунчилик ҳужжатлари ҳамда топшириқлар ижроси юзасидан назорат ва ҳисобдорликни ташкил этиш тартиби, ишларни самарали йўлга қўйиш, ижро интизомини мустаҳкамлашнинг асосий йўналишлари белгиланган.

Ички ишлар вазирлигига келиб тушаётган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини ўз вақтида ҳамда сифатли таъминлаш бўйича ҳар ҳафтанинг душанба кuni — вазир ҳузурида, жума кuni — вазир ўринбосарлари томонидан шахсан масъул ижрочилар билан муҳокама ўтказилиши ҳамда топшириқларнинг бажарилиш ҳолатини “**қунбай**” таҳлил қилиб бориш йўлга қўйилган.

Президентимизнинг “**Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг қундалиқ қоидаcи бўлиб қолиши керак**”, деган сўзлари Ички ишлар вазирлиги фаолиятининг бош мезонига айланди. Хусусан, бу жараёнда вазирликнинг барча даражадаги раҳбарлари қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни тўлиқ ҳамда ўз вақтида бажарилиши, шунингдек, уларнинг амалда назорат қилинишини шахсан ташкил этиш, бунда “**ишни жамoa бажаради, масъулият эса шахсий**”, деган принципал қоидага амал қилиниши юзасидан шахсий жавобгарлиги белгиланди.

Таъкидлаш жоизки, ижро интизомини таъминлашда унинг пойдевори ҳисобланган ҳужжатлар лойиҳасини пухта ва сифатли ишлаш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ижро интизомининг тизимли йўлга қўйилиши қисқа фурсатда ўзининг ижобий натижасини кўрсатди. Айниқса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳар томонлама пухта ҳамда мукамил даражада тайёрланиши тўғрисида вазирлик ва идоралар билан келишиш жараёни сезиларли даражада қисқарди.

Сўзимизни рақамлар билан давом эттирадиган бўлсак, 2023 йилда Ички ишлар вазирлиги томонидан 78 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилиб, белгиланган тартибда Ҳукуматга киритилди ҳамда тегишли вазирлик ва идоралардан келиб тушган 695 та лойиҳа келишилди. Бундан ташқари, ички ишлар органлари фаолиятига оид 5 та қонун, Президентимизнинг 1 та фармони ва 6 та қарори ҳамда 41 та Ҳукумат қарорининг қабул қилиниши ички ишлар органлари тизимини ривожлантириш учун қўлай шароит ва янги имкониятлар яратди.

Ички ишлар вазирлигида ижро интизомини таъминлаш бўйича жорий этилган тизимни амалиётга тўлиқ татбиқ этиш бўйича ўтган даврда тўпланган тажрибалар ўз самарасини бермоқда. Натижада 2023 йилда “**Ijgo.gov.uz**” тизимида ижро этилиши лозим бўлган 489 та топшириқнинг бажарилиши таъминланди.

Шунингдек, ижро интизомини таъминлаш бўйича жорий этилган тизимнинг нати-

жадорлиги Президентимизнинг ҳудудларга таширларида, давлатимиз раҳбари ҳузурида иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани ривожлантириш юзасидан ўтказилган мажлисларда берилган топшириқлар ижросини ўз вақтида ва самарали таъминлашга ҳам хизмат қилмоқда.

Хусусан, 2023 йилда ҳудудларга таширлар давомида берилган 78 та топшириқ ижроси таъминланди, ижро муддати келмаган топшириқларни тўлиқ ва сифатли бажариш бўйича тегишли чоралар кўрилмоқда. Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари ҳузурида иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани ривожлантириш юзасидан ўтказилган мажлисларда берилган 43 та топшириқ тўлиқ бажарилиб, қолганларининг ижроси назоратга олинди.

Яратилган самарали ижро интизомини тизими Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” да амалга оширишга оид давлат дастури ижросини таъминлашга ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Жумладан, давлат дастурида Ички ишлар вазирлигига юкланган 4 та топшириқ бажарилди, уларнинг ижроси юзасидан 5 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси тегишли инстанцияларга киритилиб, бугунги кунда шундан 2 таси қабул қилинди.

Давлат дастури доирасида тайёрланган лойиҳалар бўйича қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида қуйидаги **янги механизмлар** яратилди:

— аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига миграция ва фуқароларнинг расмийлаштириш соҳасидаги давлат хизматларини доимий яшаш ёки вақтинча турган жойига чиқishi орқали кўрсатилган хизмат учун қўшимча тўлов ундирилмаган ҳолда кўрсатиш тартиби жорий этилди;

— Тошкент, Нукус шаҳарлари ҳамда вилоятлар ва туманлар марказида транспорт воситалари ҳаракатланишининг энг юқори

топшириқлар ижросини таъминлашга эришилди. Ҳайъат мажлиси баёни ижроси доирасида ички ишлар органларида бир қатор ишлар амалга оширилди.


Жумладан, республикадаги 2298 та “кизил” тоифадаги маҳалланинг ҳар бирига вилоят даражасидаги масъул раҳбарлар номма-ном бириктирилди. Маҳаллаларда “ижтимоий профилантика” тизими билан қамраб олинган 350 мингдан ортиқ фуқаронинг муаммоси тўлиқ ҳал этилди.

Бундан ташқари, “**вояга етмаганлар билан ижтимоий-ҳуқуқий ишлаш кластери**” тизими жорий этилди. Бунда “Оила — маҳалла — мактаб — мустақил ҳаёт” тамойили асосида тарбияси оғир ҳар бир ўсмирга раҳбарлар номма-ном бириктирилиб, уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш даврида алоҳида ишлаш тартибини йўлга қўйиш ҳамда ўсмирларни мутасаддилар томонидан “оталиққа олиш” тартиби белгиланди.

Шунингдек, ҳар бир вилоят, туман ва шаҳар ҳокими томонидан ёшлар ўртасида жиноятчиликни кескин камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар режалари ишлаб чиқилиб, ижрога қаратилди. Мутасадди вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ижтимоий-маиший муаммоси ҳал бўлмаган оилалар билан ишлаш бўйича “**Хавфсиз оила**” тамойили асосида алоҳида иш тизими йўлга қўйилди.

2023 йилда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан хавфсизликни таъминлаш бўйича бир қатор янги иш услублари амалиётга татбиқ этилди, хусусан:

— Ички ишлар вазирлиги томонидан ҳайдовчиликка ўқитиш учун лицензияни бериш тартиби белгиланди. Яъни Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонунига мувофиқ, Ички ишлар вазирлиги автомобилотранспорт во-




такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун билан оиладаги зўравонлик жиноий ҳуқуқбузарликлар туркумига ўтказилди, иқтисодий ва психологик зўравонлик, шунингдек, вояга етмаганларга нисбатан зўравонлик учун жазо кучайтирилди. Мисол учун, 18 ёшга тўлмаган шахсларни, яқин қариндош, собиқ хотин, бир рўзгор асосида биргаликда яшаётган шахс ёҳуд умумий фарзандага эга бўлган шахсни жин-

Қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда, 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, йўл-патруль ва патруль-пост хизматлари ходимларини “Фуқаролар билан ишлаш модули” бўйича узлуксиз ўқитиш амалиёти жорий этилди. Шу тариқа уларнинг соҳада самарали хизмат олиб боришдаги шахсий масъулиятини ошириш бўйича давомийлиги 144 соатдан кам бўлмаган дастур асосида ходимларни ҳар уч йилда бир марта ўқитиб, махсус синовдан ўтказиш йўлга қўйилди.

Шунингдек, ички ишлар органларида лавозимларни юқори маънавий-ахлоқий, ишчанлик ва касбий сифатларга эга номзодлар билан жамлаш назарда тутилди. Шу мақсадда ички ишлар органларида хизматга қабул қилишнинг сифат жиҳатдан янги, сод-

учун маҳаллаларни қамраб олувчи “Маҳаллабай-квадрат” ишлаш тизими жорий этилиб, республика бўйича 9442 та маҳалла 2331 та квадратга ажратилди ва уларнинг ҳар бирига йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бўлинмалари ходимлари бириктирилди.

Мамлакатимизда жамоат хавфсизлиги ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасига илм-фан ютуқларини жорий этиш мақсадида 2024 йил 15 январдаги Президентимизнинг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасини илмий тадқиқ қилиш фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда “Криминология таъминлаш назарда тутилди. Шу мақсадда ички ишлар органларида хизматга қабул қилишнинг сифат жиҳатдан янги, сод-



Ички ишлар вазирлигида ижро интизомини таъминлаш бўйича жорий этилган тизимни амалиётга тўлиқ татбиқ этиш бўйича ўтган даврда тўпланган тажрибалар ўз самарасини бермоқда. Натижада 2023 йилда “**Ijgo.gov.uz**” тизимида ижро этилиши лозим бўлган 489 та топшириқнинг бажарилиши таъминланди.

тезлиги соатига 70 километрдан 60 километргача туширилди.

Тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш масаласи, хусусан, ҳар бир инсон учун унинг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкнинг турли хавф-хатарлардан ишончли ҳимоя қилиш жуда муҳим ҳисобланади. Шу боис, янги

ситалари ва шаҳар электр транспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлашни лицензиялаш бўйича мақолатли орган этиб белгиланди (илгари Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси эди);



Ўзбекистон тарихида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан биринчи ислотлар айна фуқароларнинг саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлаш йўналишларида бошланди.

Бунда асосий мақсад ички ишлар органларини жазоловчи, назорат қилувчи тузилма сифатида эмас, балки халқ манфаатларида хизмат қиладиган, аҳоли билан яқин ҳамкорликда ишлайдиган тизимга айлантиришга қаратилди. Таъкидлаш жоизки, Президентимиз томонидан илгари сурилган “**Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак**”, деган устувор тамойил ички ишлар органлари фаолиятининг бош мақсадига айланди.

2023 йил 28 июлда Фаргона вилоятида давлатимиз раҳбари раислигида Ички ишлар вазирлиги ҳайъатининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда берилган барча

— маҳкумларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган қонунчилик нормалари тасдиқланди. Бунда озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг ўташ ижро этиш муассасасида жазони ўтатиш даврида бажарадиган ҳар қандай иши, агар ушбу иш бажарилган давр учун жазони ижро этиш муассасаси томонидан ижтимоий солиқ тўланган бўлса, пенсия таъинлашда иш стажига қўшиб ҳисобланиши йўлга қўйилди ва Жиноят-ижроия кодексига маҳкумларнинг тузалиш йўлига ўтганини аниқлаш мезонлари киритилди;

— хотин-қизларни оилавий зўравонлик ва таъқиб қилишга йўл қўймасликка қаратилган ҳуқуқий механизмлар тасдиқланди. Хусусан, “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада

сиш алоқа қилишга мажбур этганлик учун жавобгарлик белгиланди. Мазкур жиноятни содир этган шахс 5 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади;

— илк бор ички ишлар органлари ходимларининг Касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси тасдиқланди. Кодекс ички ишлар органларида касбий маданият қоидаларини, хизмат интизоми талабларини, раҳбар ва ходимлар ўртасидаги муносабатларни, раҳбариятнинг ҳаракатлари юзасидан шикоят қилиш тартибини белгилайди;

— маъмурий жаримларни тўлашда имтиёзли даврни белгилаш амалиёти йўлга қўйилди. Яъни 2023 йил 1 майдан бошлаб маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича қўлланилган жаримани ихтиёрий тўлаш тизими соддалаштирилди. Унга қўра, ҳуқуқбузар унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб 15 кун ичида жарима миқдорининг 50 фоизини, 30 кун ичида 70 фоизини ихтиёрий тўлаган тақдирда, жариманинг қолган қисmini тўлашдан озод қилинади.

Маълумки, ижро интизомини мустаҳкамлашда тизимдаги ҳар бир ходимнинг масъулиятини ошириш, уларда касбий гуруру, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик ва ҳалоллик туйғусини уйғотиш муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли, ички ишлар органлари ходимларини “Инсон қадрини учун” тамойили асосида давлатнинг юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, ўз бурчига содиқ, ватанпарвар ва халқпарвар вакили этиб тарбиялаш орқали аҳолининг чинакам розилигига эришиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада Президентимизнинг 2023 йил 20 январда “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш борасида 1 та қонун, Президентимизнинг 2 та қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 6 та қарори лойиҳалари ишлаб чиқилди ҳамда 20 дан ортиқ идоравий ва идоралараро норматив ҳужжатлар қабул қилинди.

далаштирилган тартибини ўрнатиш бўйича йўриқнома тасдиқланди.

Давлатимиз раҳбарининг топшириқлари асосида йўл-транспорт ҳодисалари сабабларини бартараф этиш мақсадида “Хавфсиз ва раван йўл” умуммиллий дастури тўлиқ ижрога қаратилди. Дастур доирасида йўлларда 35 миндан зиёд дамонарий йўл белгилари ва 522 та жойда светофор ўрнатилди, 11 минг 49 та пиедалар ўтиш жойи қайта тикланди.

Шу билан бирга, Тошкент шаҳрида йўл-транспорт ҳодисалари сонини янада камайтириш учун “Долзарб ойлик” тадбири ўтказилди. Ойлик доирасида пойтахтдаги тартибга солинмаган жами 250 та пиедалар ўтиш жойига чақирув тугмалари светофор ўрнатилди. Шунингдек, тирбандлик ҳосил бўлган объектлар атрофида 368 та, жумладан, 105 та масжид олдида 143 та йўл белгиси ўрнатилди, автобуслар ҳаракати учун 1.8 километр узунликда алоҳида йўлак ташкил этилиб, уларнинг умумий узунлиги 50 километрга етказилди.

Йўл-патруль хизмати ходимлари учун маҳаллаларни қамраб олувчи жавобгарлик ҳудудини белгилаш амалиёти йўлга қўйилди. Хусусан, ҳудудларда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, йўловчилар ва пиедалар хавфсизлигини таъминлаш йўналишида олиб борилаётган ишлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бўлинмалари ходимлари

ҳужжатлар асосида Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти ташкил этилди. Шунга қўра, республикаимизда криминология соҳасида илмий-амалий тадқиқот ишларини замон талаблари асосида ташкил этиш чоралари кўриб борилади.

Хулоса ўрнида шунни таъкидлаш жоизки, ички ишлар органларида хизмат интизомини мустаҳкамлаш, топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Зеро, “темир интизом”га асосланган тизимда қўрилаётган барча чоралар қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг самарали ҳамда натижадорлик билан бажарилишини таъминлаш орқали, энг аввало, **2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида** белгиланган халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратиш ва бошқа бир қатор соҳаларни яхшилаш каби мақсадларга эришишга хизмат қилади.

Бинобарин, Президентимиз таъкидлаганидек, “**Эришилган натижалар билан чекланиб қолмаслик керак, барчамиз, эгаллаб турган лавозимларимиздан қатъи назар, мамлакатни янада изчил ривожлантиришни таъминлаш ҳақида ҳар доим ўйлашимиз шарт. Янги Ўзбекистон келажаги учун яшаш ва меҳнат қилиш — юксак масъулият ва шарафдир!**”.





Ислоҳотлар самараси

ЭНГ КАМ ИСТЕЪМОЛ ХАРАЖАТЛАРИ

аҳоли даромадлари миқдорини белгилашга асос бўлади

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи

Шу йил 1 февралдан бошлаб зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги фуқароларга бериладиган нафақа миқдори, боқувчисини йўқотганлик учун нафақа олувчилар, ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача боланинг парвариши билан банд бўлган қонуний вакилининг нафақалари 621 минг сўмга оширилди. Бундан ташқари, хусусий секторда ишловчи аёлларга тўланадиган ҳомиладорлик ва туғиш нафақасининг давлат бюджетидан қопланадиган миқдори ҳам 2 миллион 272 минг

сўмдан 2 миллион 484 минг сўмга кўтарилди. Шунингдек, минимал истеъмол харажатлари миқдори ўсиши натижасида “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали кам таъминланган қўшимча 63 минг оилага болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинланиши қўшилмоқда. Жорий йил учун ҳисобланган минимал истеъмол харажатлари (МИХ) қиймати бир ойда киши бошига 621 минг сўм этиб белгиланди. Бу кўрсаткич мамлакатда камбағаллик чегарасини аниқлашда ҳам асос вазифасини ўтайди.



Инфляция кўрсаткичи мамлакатдаги макроиктисодий барқарорликни ифодаловчи муҳим иқтисодий индикаторлардан бири бўлиб, ички истеъмол бозорида товар ва хизматлар нархлари умумий даражасининг ўзгаришини ифода этади.

— Истеъмол нархлари индекси уй ҳўжаликлари талабидан келиб чиқиб, муайян товар ва хизматлар умумий нархларининг ўртача ўзгариш даражасидир, — дейди Статистика агентлигининг Нархлар статистикаси бошқар-

матлар тўплами аҳолининг истеъмол харажатлари таркиби ҳамда мазкур бозордаги мавжуд вазиятни ҳисоб олган ҳолда доимий равишда бойитиб келинапти. Сўнгги 10 йил давомида мазкур тўплам 305 тадан 510 тагача кенгайди. Товарлар ва хизматлар умумий тўпламининг 170 тасини озиқ-овқат маҳсулотлари, 250 тасини ноозиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда 90 тасини хизматлар ташкил қилади. Бунда нарх кузатувлари 10 мингдан ортиқ савдо ва пулли хизмат кўрсатиш объектида ўтказилади.

Инфляция даражаси қандай аниқланади?

маси бошлиғи Мухтор Умаров. — Ушбу умумий кўрсаткич “истеъмол саватчаси”даги ҳар бир товар ва хизмат учун нархлар ўзгаришини инобатга олган ҳолда ҳисобланади. Истеъмол нархлари индекси ҳисоб-китобларида танланмадаги ҳар бир товар ва хизматлар бўйича алоҳида ҳисобланган салмоқ вазирандан фойдаланилади. Салмоқ вазиран уй ҳўжаликларининг йиллик истеъмол харажатларида ҳар бир товар ва хизматларнинг жами қийматига нисбатан улушини ҳисоблаш орқали шакллантирилади.

Истеъмол нархлари индексини ҳисоблаш амалиёти жорий этилганидан бошлаб бутунги кунга қадар кузатиладиган товарлар ва хиз-

Дунё мамлакатларининг аксариятида, жумладан, Ўзбекистонда ҳам инфляция даражаси “истеъмол саватчаси” деб номланадиган, аҳоли ёки оила доимий равишда сотиб оладиган маҳсулотлар, товарлар ва хизматлар тўпламига нисбатан аниқланади. У қимматбаҳо товарлар билан эмас, балки бирламчи кундалик маҳсулотлар, масалан, турли хизматлар, нон, сабзавот, ўсимлик ёғи, тухум, гўшт, гуруч каби озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлар билан ўлланади. Ушбу шартли сават нархи ойма-ой ўзгариб туради. Бундай ўзгариш кўрсаткичи қараб инфляция даражаси аниқлаб борилади.

Кун тартибидagi долзарб масала

Минимал истеъмол харажатлари уй ҳўжаликларининг реал истеъмол қиймати ва таркибини ўрганиш асосида уларнинг соғлом ҳаёт кечириши учун зарур бўлган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда хизматлар учун минимал харажатларнинг ҳисобланган миқдоридир.

Президентимиз 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномасида келгуси йилдан бошлаб аҳолининг минимал истеъмол харажатлари эълон қилиниб борилишини, ҳукумат зиммасига ижтимоий қафолатларни бир тизимга келтириб, уларни минимал меъёр даражаларида босқичма-босқич таъминлаш бўйича дастур ишлаб чиқиш вазифасини юклаганди.

“Камбағаллик муаммоси ҳақида гапириш, уни расмий минбардан тан олиш босқичидан ўтдик. Кейинги маррада камбағал аҳоли ким, деган саволга жавоб бериш зарур. Аҳолининг минимал истеъмол харажатлари мана шу масалани ойдинлик киритди”, деган эди давлатимиз раҳбари.

Экспертлар фикрича, Ўзбекистонда минимал истеъмол харажатлари миқдорини белгилаш 30 йил давомида кун тартибидан четда турган масала ҳисобланган. Бу бўйича бир қарорга келиниши иқтисодий тармоқ учун мураккаб ва масъулиятли қадам бўлган эди.

Минимал истеъмол харажатлари миқдорини белгилашнинг ўз мезонлари бор. Улар халқаро тажрибада турли изланиш ва тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган. Унга кўра, мунтазам равишда ўтказиладиган уй ҳўжаликлари сўрови бўйича олинган маълумотлар асосида аҳоли даромад ва харажатларидан келиб чиқиб, 10 гуруҳга (10 фоизли) ажратилади, уларнинг кўйи 30 фоиз учун озиқ-овқат, ноозиқ-овқат ва хизматларга сарфланган харажатлар хусусияти ўрганилади. Ушбу гуруҳда умумий харажатларнинг қарийб 70 фоизи озиқ-овқатларга, қолган 30 фоизи ноозиқ-овқат товарлари ва хизматлар улушига тўғри келади. Шу асосда керакли калория ва озиқ-овқат қийматларидан келиб чиқиб, зарурий минимал харажатлар миқдори ҳисоб-китоб қилинади.

Мутахассислар эътирофича, умумий ёки стандарт ёндашувлардан фарқли ўлароқ, бу усул кам даромадли аҳолининг реал истеъмоли хусусиятларини ақс эттиради. Бошқача айтганда, кам даромадли аҳолининг керакли калория ва қийматдаги озиқ-овқат, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматлар учун минимал харажатлар миқдори аниқланади. Бундай ёндашув жаҳон амалиётида кенг қўлланиб келинаётган мезонлардан бири бўлиб, халқаро экспертлар томонидан ҳозир мақбул ва тўғри келадиган усул сифатида таклиф этиб келинади.

Минимал истеъмол харажатларини ҳисоблаш учун Жаҳон банки кўмагида 2020 йилда тажриба сифатида

Ўзбекистоннинг барча ҳудудларидан танлаб олинган 5400 та уй ҳўжалигида сўровнома ўтказилди. Улар харажатлар миқдори бўйича ўнга гуруҳга бўлиниб, ушбу оилалар орасидан энг кам харажат (даромад)га эга 30 фоизи ажратиб олинган. Йиғилган маълумотлар асосида мазкур оилаларда жон бошига кунлик истеъмол қилинадиган озиқ-овқат (2200 ккал.) ва зарур бўлган ноозиқ-овқат товарлар ҳамда хизматлар учун минимал истеъмол харажатлари бир ойда киши бошига (2021 йилдаги нархлар ўзгаришини инобатга олган ҳолда) камида 440 минг сўмни ташкил этиши ҳисоб-китоб қилинган.



Ҳисобланган минимал истеъмол харажатлари жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулотга нисбати (ЙИМ) 26,8 фоизга тенг бўлиб, бу кўрсаткич ривожланиётган мамлакатларда ҳам асосан 4-20 фоизни ташкил этади.

Уша кезде ОАВга берган интервьюсида Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази директори Обид Ҳакимов бундай деган эди:

— Жаҳон банки ҳисоблаб чиққан инсоннинг кунлик минимал харажатлари бор. Масалан, бу харажат 1,9 доллардан паст бўлмалиги керак. Ўрта паст даромадли давлатларда бир шахснинг кунлик харажатлари 3,2 доллардан кам бўлса, у камбағалликда яшайпти, дея ҳисобланади. Шу ўринда айтиш керакки, 3,2 доллар аҳолининг тўлов (харид) қобилияти бўйича аниқланган суммадир. Масалан, шу пулга АҚШда нима харид қила олсангиз, шу нарсани Ўзбекистонда қанчага харид қилиш мумкин? Шунинг учун аниқланган суммани нисбий ҳисоблаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Жаҳон банки иқтисодчиси Уильям Зейцнинг фикрича, МИХ методининг кўплаб устун жиҳатлари бор. Кўрсаткич фактларга асосланган ҳамда Ўзбекистондаги одамлар ва уй ҳўжаликларининг ҳақиқий турмуш шaroитларини инобатга олган. Мазкур ёндашув камбағаллик

чегарасини белгилаш бўйича халқаро стандартлар, методлар ва нормаларга мос келади, шу билан бирга, унинг натижалари Ўзбекистоннинг ўзига хос жиҳатларини ҳам ҳисобга олади.

Бундан уч йил олдин мамлакатимизнинг барча ҳудудларида 10,6 мингта уй ҳўжалиги ўртасида ўтказилган кузатув натижалари асосида минимал истеъмол харажатлари қиймати ҳисобланди. Уни ҳисоблаш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги “Минимал истеъмол харажатлари қийматини ҳисоблаш тартибини амалиётга жорий этиш тўғрисида”ги қарорига асосан, амалта

Шунинг учун Жаҳон банки, БМТ Тараққиёт дастури ва бошқа халқаро ташкилотлар билан бирга Камбағалликни камайтириш дастурини ишлаб чиқишни таклиф этаман. Бу борада халқаро меъёрлар асосида чуқур ўрганишлар ўтказиб, камбағаллик тушунчаси, уни аниқлаш мезонлари ва баҳолаш усулларини қамраб олган янги методологияни яратиш лозим”, деган эди давлатимиз раҳбари.

Мазкур кўрсатмаларга биноан, камбағалликни қисқартиришнинг аниқ дастак ва механизмларини ишлаб чиқиш, хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда камбағаллик даражасини аниқлаш мезонлари ва баҳолаш услуби, ижтимоий таъминотнинг минимал стандартлари ҳамда меъёрий асосларини пухта ишлаб чиқиш мақсадида қисқа муддатларда Жаҳон банки, БМТ Тараққиёт дастури, Осн тараққиёт банки каби халқаро ташкилотларининг 14 эксперти жалб қилинди. Кенг кўламли ишлар самараси ўлароқ, янги методология тайёрланди, устувор дастурлар ишлаб чиқилди.

БМТ Европа иқтисодий комиссиясининг 2017 йилда эълон қилинган “Камбағалликни ўлчаш бўйича қўлланма”сида бундай таъриф бор: “Камбағаллик инсоннинг ҳаёти давомида танлов ва имкониятларга эга бўлмаслиги, жамиятда тўлақонли иштирок этиш учун тўсиқлар мавжудлиги, бундан ташқари, оиласини боқилиши ва кийинтириши, таълим олиши ёки касалхонада даволаниши, бирор соҳада фаолият юритиши ёки даромад олишга имкон берадиган меҳнат билан таъминлаш имкониятлари етишмаслиги ҳамда кредит олиш имкониятининг чекланганида намоеён бўлади. Шунингдек, камбағаллик инсонлар, уй ҳўжаликлари ва жамоаларнинг ижтимоий жиҳатдан чегаралангани, хавф-хатарлар олдида қорасизлиги ҳамда ноқорлиги саналади”.

— Жаҳон амалиётида камбағаллик чегарасини аниқлашнинг асосий тўртта: мутлақ, нисбий, моддий депривация ва кўп ўлчамли усуллари мавжуд, — дейди фалсафа фанлари доктори, профессор Азамат Мухторов. — Мазкур усуллар мамлакат ижтимоий сўёсатининг устуворлиги, иқтисодиётнинг ривожланганлик даражаси ҳамда ички имкониятлардан келиб чиқиб белгиланади.

Айтиб ўтганимиздек, Ўзбекистон тарихида илк бор камбағаллик масаласи 2020 йил 24 январда Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида кўтарилиб, ижтимоий-иқтисодий сўёсатнинг асосий кун тартибига айланди. “Хар қандай мамлакатда бўлгани каби бизда ҳам кам таъминланган аҳоли қатламлари мавжуд. Турли ҳисоб-китобларга кўра, улар тахминан 12-15 фоизни ташкил этади. Бу ўринда гап кичкина рақамлар эмас, балки аҳолимизнинг 4-5 миллионлик вакиллари ҳақида бормоқда.

Камбағаллар кимлар?

Баъзи одамлар ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам пулини тўлаш ёки уларнинг миқдорини ошириш орқали ушбу муаммони ҳал этиш мумкин, деб ўйлайди. Бу бир томонлама ёндашув бўлиб, муаммони тўла ечиш имконини бермайди.

Камбағалликни камайтириш бу — аҳолида тадбиркорлик руҳини ўйоттиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сўёсатни амалга ошириш, демакдир.

Шунинг учун Жаҳон банки, БМТ Тараққиёт дастури ва бошқа халқаро ташкилотлар билан бирга Камбағалликни камайтириш дастурини ишлаб чиқишни таклиф этаман. Бу борада халқаро меъёрлар асосида чуқур ўрганишлар ўтказиб, камбағаллик тушунчаси, уни аниқлаш мезонлари ва баҳолаш усулларини қамраб олган янги методологияни яратиш лозим”, деган эди давлатимиз раҳбари.

Мазкур кўрсатмаларга биноан, камбағалликни қисқартиришнинг аниқ дастак ва механизмларини ишлаб чиқиш, хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда камбағаллик даражасини аниқлаш мезонлари ва баҳолаш услуби, ижтимоий таъминотнинг минимал стандартлари ҳамда меъёрий асосларини пухта ишлаб чиқиш мақсадида қисқа муддатларда Жаҳон банки, БМТ Тараққиёт дастури, Осн тараққиёт банки каби халқаро ташкилотларининг 14 эксперти жалб қилинди. Кенг кўламли ишлар самараси ўлароқ, янги методология тайёрланди, устувор дастурлар ишлаб чиқилди.

БМТ Европа иқтисодий комиссиясининг 2017 йилда эълон қилинган “Камбағалликни ўлчаш бўйича қўлланма”сида бундай таъриф бор: “Камбағаллик инсоннинг ҳаёти давомида танлов ва имкониятларга эга бўлмаслиги, жамиятда тўлақонли иштирок этиш учун тўсиқлар мавжудлиги, бундан ташқари, оиласини боқилиши ва кийинтириши, таълим олиши ёки касалхонада даволаниши, бирор соҳада фаолият юритиши ёки даромад олишга имкон берадиган меҳнат билан таъминлаш имкониятлари етишмаслиги ҳамда кредит олиш имкониятининг чекланганида намоеён бўлади. Шунингдек, камбағаллик инсонлар, уй ҳўжаликлари ва жамоаларнинг ижтимоий жиҳатдан чегаралангани, хавф-хатарлар олдида қорасизлиги ҳамда ноқорлиги саналади”.

— Жаҳон амалиётида камбағаллик чегарасини аниқлашнинг асосий тўртта: мутлақ, нисбий, моддий депривация ва кўп ўлчамли усуллари мавжуд, — дейди фалсафа фанлари доктори, профессор Азамат Мухторов. — Мазкур усуллар мамлакат ижтимоий сўёсатининг устуворлиги, иқтисодиётнинг ривожланганлик даражаси ҳамда ички имкониятлардан келиб чиқиб белгиланади.

Кўп ўлчамли усулда камбағаллик даражаси уй ҳўжалиги ёки кишининг ижтимоий-иқтисодий имкониятлардан фойдаланишини ифодаловчи қатор индикаторларга вазн бериш орқали бинар асосда “ха” жавобига — 1, “йўқ” жавобига — 0) ҳисобланади.

Халқаро экспертлар билан биргаликда олиб бориладиган ўрганишлар натижасида мамлакатимизда камбағаллик даражасини аниқлаш учун озиқ-овқат, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматлардан иборат бўлган ҳамда бир киши учун зарур минимал истеъмол харажатлари қиймати тушунчасини киритишга қарор қилинди. Бунда аҳоли реал истеъмол таркиби ва характеридаги (consumption behavior) келиб чиқилди. Аслида, БМТ Европа иқтисодий комиссияси ҳам кўп ўлчамли камбағаллик даражасини ҳисоблашда



аҳоли турмуш даражаси, хизматлар, соғлиқни сақлаш, таълим, бандлик ва атроф-муҳит кўрсаткичларини ҳисобга олиш таклиф этилади.

Шу масалага эътибор қаратганда, давлатимиз раҳбарининг ўтган йил август ойда Тошкент вилоятига таширфи давомида ўтказилган видеоселектор йиғилишида камбағалликни қисқартиришга доир ишларга баҳо бериб, “маҳаллабай” ишлаш тизими йўлга қўйилгани ва алоҳида дастурлар ишлаб чиқилгани ҳисобига Ўзбекистонда камбағаллик даражаси 17 фоиздан 14 фоизга тушгани, бир ярим йил ичида 3 миллион аҳоли доимий даромадга эга бўлгани, 1,5 миллиони эса камбағалликдан қутулгани, 347 та маҳалла камбағалликдан холи, яна 1,5 мингта яқин маҳалла эса ишсизлик бўлмаган худудга айланиши эътироф этгани ёдга келади.

Айни чоғда камбағалликни қисқартириш битта вазирлик ёки агентлиқнинг иши эмас, аҳолига қақатгина моддий ёрдам ёки кредит беришнинг ўзи етарли бўлмаслиги, бунинг учун, энг аввало, ҳудудларда инфратузилма бўлиши, бу орқали ишлаб чиқариш ва хизматлар ривожланиши кераклиги алоҳида таъкидланди.

Бу вазифалар ижроси бўйича ўтган қисқа вақтда эришилган натижалар Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази ҳамда Статистика агентлигининг Ўзбекистонда камбағаллик даражаси бўйича ақинда эълон қилинган таҳлилида аксини топган. Унда қайд этилишича, 16 мингта уй ҳўжалиги кузатувларига кўра, 2023 йил давомида мамлакатда камбағаллик даражаси 3,1 фоиз камайиб, йил якунида 11 фоизни ташкил этган. Бу жараён Жаҳон банки экспертлари томонидан кузатиб борилад.

Ўтган йили жами 4,1 миллион аҳоли, шундан доимий ва мавсумий иш ўринларида 2,3 миллион, ҳақ тўланадиган жамоат ишларида 112,8 минг, ўзини ўзи банд қилиш ҳисобига 1,6 миллион кишининг бандлигини таъминлашга эришилган. Камбағал оилаларнинг индивидуал дастурлари тузиш орқали 2023 йилда 208 минг оиланинг 873 минг аъзоси камбағалликдан чиқарилган бўлса, 2024 йилда камбағалликдан 150 минг оила (ва унинг 700 минг аъзоси) чиқарилиши режалаштирилган.

Олий Мажлис Сенатининг шу йил 9 февраль кунини ўтказилган ялпи мажлисида айрим қонун ҳужжатларига фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини янада қучайтиришга қаратилган ўзгартриш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонунлар кўриб чиқилди. Жумладан, “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунда пенсионерга ҳисобланган, лекин унинг томонидан талаб қилиб олинмаган пенсия суммасини тўлаш муддатини ўн икки ойдан йигирма тўрт ойгача узайтириш назарда тутилмоқда.

Мазкур ҳужжатда пенсиянинг энг кам миқдори энг кам истеъмол харажатлари даражасидан оз бўлмаслиги, пенсиялар миқдорини йил давомида товарлар ва хизматларнинг истеъмол нархлари индекси даражаси ўсиши суръатларини инобатга олган ҳолда ошириб бориш тартиби белгиланмоқда.

Таълимда ҳамкорлик

ЎЗОҚНИ ЎЙЛАБ ҚЎЙИЛГАН ҚАДАМ

БЕЛАРУСЬ БИЛАН АЛОҚАЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Тўлқин ТЕШАБОВЕВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
ректори, иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор

Ўзбекистон ва Беларусни узоқ йиллик дўстона муносабатлар боғлаб келган. Халқларимизга хос меҳнатсеварлик, самимийлик, она ватанга муҳаббат, тинчлик ва яратувчанликка интилиш каби ўйгун туйғулар ўзаро ҳурмат, дўстлик ришталари янада мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда. Бугун юртимизда беларусь миллатига мансуб 18 мингга яқин киши истиқомат қилаётгани ва улар ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий ривожланишга муносиб ҳисса қўшаётгани шундан далолат беради.



Мамлакатимизнинг ушбу давлат билан кўп қиррали муносабатлари, айниқса, кейинги йилларда анча ривожланди. Ўтган ҳафта Беларусь Президентини Александр Лукашенконинг юртимизга ташрифида ҳам ушбу жиҳат алоҳида тилга олинди. Хусусан, кейинги йилларда қўшма корхоналаримиз сонини 4 баробар кўпайди. Икки давлат ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 15 фоиз ошди. Ташриф доирасидаги мулоқотларда яқин йилларда ушбу кўрсаткичнинг 1 миллиард доллардан зиёдга етказиш белгиланиб, бу борада ҳукуматлар олдида аниқ вазифалар қўйилди.

Айниқса, томонларнинг қўшма ташқи савдо компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги келишуви ва Президентимизнинг мамлакатимизда “БелАЗ” русумли юк автомобилчаларини ҳамкорликда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш тасдиғи алоҳида эътиборга лойиқ. Шу билан бирга, енгил саноат, озиқ-овқат ва электротехника саноати, фармацевтика, шаҳарсозлик ва коммуникация соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун катта имконият мавжуд.

Бунини Ўзбекистон ва Беларусь ҳудудлари иккинчи форуми самарали келишувларга бой бўлгани, жумладан, форум аяқлари бўйича қиймати 1 миллиард долларликдан зиёд шартнома ва битимлар имзолангани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Мамлакатимизда хомашё экспортдан воз кечиб, қўшимча қиймат занжирини яратиш борасидаги саъй-ҳаракатлар катта самара беряпти. Айтайлик, аграр тармок қайта ислоҳ қилиниб, соҳада бозор тамойиллари жорий этилгани, кластерлар фаолияти йўлга қўйилиб, фермер ва деҳқонлар манфаатдорлигини оширилгани натижасида ҳосилдорлик ва шунга мос равишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажми ортиб бормоқда. Бунини биргина пахтачилик йўналишида эришилаётган натижалар мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, 2023 йилда деҳқонларимиз 3 миллион 800 минг тонна пахта етиштирди. Ушбу ҳосилни тўлиқ қайта ишлаш натижасида жорий йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 9,6 миллиард долларга, экспортни эса 4,5 миллиард долларга етказиш ҳисоб-китоби қилинган.

Айни мақсад йўлида Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида газлама ишлаб чиқариш ва бўёқхоналар ташкил қилиш бўйича 350 миллион долларлик, Қорақалпоғистонда сунъий тола, газлама-матро ва бўёшга ихтисослашган 60 миллион долларлик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бу корхоналар жорий йилда ишла туширилиб,



уларда 1,5 миллиард долларлик маҳсулот экспортини имконият яратилади.

Ҳозир нега айнан юртимиз пахтачилигига доир ушбу факт ва рақамларга тўхталдик? Чунки беларусликлар ташриф доирасида тўқимачилик саноатига катта қизиқиш билдирди. Бунинг ҳам ўзига яраша сабаб ва асослари бор. Хусусан, мамлакатимиз иқтисодиётининг энг муҳим тармоқларидан бирига айланиб бораётган тўқимачилик саноати сўнгги йилларда жаҳон бозоридан муносиб ўрин эгалламоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзига Ўзбекистон 65 давлатга қиймати 3,4 миллиард долларлик тўқимачилик маҳсулоти экспорт қилди. Бу кўрсаткич юртимиз умумий экспортнинг 12,5 фоизини ташкил қилган. Экспорт қилинган тўқимачилик маҳсулотлари таркибида тайёр товарлар 41,6 фоиз ҳамда ип-калага 39,2 фоизни, бошқача айтганда, қўшимча қийматга эга маҳсулотлар асосий улушини эгаллади.

Беларусь томони билан айни йўналишда йилдан-йилга ўсиш кузатилаётгани диққатга сазовор. Жумладан, 2022 йилда ушбу давлатга юртимиздан экспорт қилинган тўқимачилик маҳсулотлари ҳажми 105 фоиз ўсган бўлса, 2023 йилда 50 миллион долларни ташкил қилди. Форум доирасида тўқимачилик йўналиши бўйича қиймати 7,6 миллион долларлик экспорт шартномалари тузилгани ҳамкорлик истиқболига доир фикримизни тасдиқлайди.

Гап давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ҳақида борар экан, замон талабларига мос малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида икки давлат олий таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликка алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Ушбу йўналишдаги ҳамкорлик қўламини фармацевтика, енгил ва озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги сингари етакчи соҳа ҳамда тармоқлар бўйича лойиҳалар ва эришилаётган натижалардан асло кам эмас.

Жумладан, бугун Беларусь билан олий таълим муассасалари 180 га яқин шартнома ва ҳамкорлик меморандуми имзоланган. Президентимизнинг 2019 йилдаги тегишли қарори билан Тошкент шаҳрида Беларусь — Ўзбекистон қўшма тармоқлараро амалий техник квалификациялар институтини ташкил этилди. Айни пайтда мазкур олий таълим муассасасида 1400 дан ортиқ талаба тахсил олмақда.

Ўзбекистон ва Беларусь давлат олий таълим муассасалари ўртасидаги қўшма таълим дастурида салкам 2,5 минг ўзбекистонлик йигит-қиз

таълим оляпти. Жумладан, биргина университетимиз доирасида 300 нафардан зиёд ёш молия-иқтисодиётнинг турли йўналиши бўйича “2+2” қўшма таълим дастури асосида ўқимоқда. Икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик ва олий таълимдаги ислохотлар изчиллигини давом эттириш мақсадида меҳнат бозори талабидан келиб чиқиб, магистратура мутахассислари тайёрлашда ҳам “1+1” қўшма дастурлар келишувини амалга ошириш режалаштирилмоқда. Шунингдек, илмий тадқиқот ишларини янгилаш ёндашувида ривожлантириш, энг муҳими, ишлаш ва илмий янгиликларни амалиётга кенг татбиқ этишга қаратилган тизимли ҳамкорликни таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчилик мактабига жорий этиш кўзда тутилмоқда. Яна бир муҳим жиҳат: Беларусь олий таълим муассасалари билан университетимиз профессор-ўқитувчиларининг доимий малака ошириш ва тажриба алмашиш ҳамда ўқув-услубий, илмий тадқиқот ишлари бора-сида ҳамкорлик йўлга қўйилгани таълим сифатини яхшилашга хизмат қилади.

Беларусь Президентининг мамлакатимизга расмий ташрифи доирасида эришилган келишувлар ўзаро манфаатли шерикликни янада чуқурлаштириш, таълим, савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқалари ривожини янги босқичга олиб чиқишга замин яратиш билан аҳамиятлидир.

BESH TASHABBUS OLIMPIADASI

Ҳамон эсимда, маҳалламиздаги спорт майдони асфальтланиб, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини куриштиш ва сақлаш жойини сифатида фойдаланиб келинган. Спорт жихозлари етишмасди. Битта эски футбол тўпи ортидан йигирма чоғли бола қувлашиб кун ўтказардик. Аксарият ҳолларда автомобиль йўлининг икки томонига тўртта тош қўйиб, қўлбола ўйин майдони ташкил қилиб, ялангоёқ копток тепардик. Замонавий спорт майдонлари болалик дамлардаги ушалмас орзу сифатида ҳаёт саҳифаларида муҳрланиб қолаверган...

ҒАЛАБАЛАР ОСОН ҚЎЛГА КИРИТИЛМАЙДИ

Бугун бу борада иш ҳам, шарт-шароитлар ҳам ўзгарди. Президентимизнинг “Маҳаллаларда ёшларни оммавий спортга жалб қилишни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида “Беш ташаббус олимпиадаси” ўтказилиб, ғолиб ва совриндорлар рағбатлантирилаётгани жойларда ёш истеъодларни кашф этиш имкониятини бермоқда. Эндилликда олис ва чекка қишлоқларда ҳам шаҳардагидан қолишмайдиган замонавий спорт майдонлари қуриш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, спорт турларини оммалаштириш йўлида янги ташаббуслар кенг қулоқ ёймоқда.

Қўштепа туманидаги “Лангар” маҳалла фуқаролар йиғинида замонавий мезонлар асосида янги спорт майдони қуриб берилди. Мажмуада спортсевар ёшлар учун яратилган шароит ва имкониятлар ҳавасингизни келтиради. Яшил майдонлар, волейбол, кичик футбол ўйингоҳлари, югуриш йўлаклари ёшлар ихтиёрида.

Маҳалла ёшлари “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида 22-26 ёш тоифасида эркаклар ўртасида ўтказилган волейбол мусобақаларида аввалига вилоят, сўнгра республика босқичи ғолиби бўлди.

— Ғалабалар осон қўлга киритилгани йўқ, — дейди жамоа аъзоси Билолдин Эргашев. — Маҳалламизда волейболга қизиқиш катта. Лекин шароит ва жихозлар йўқ эди. Беллашувларни қўлбола, мослаштирилган очик майдонларда ўтказишга мажбур эдик. Янги спорт майдонида ўйин амалиёти учун яратилган шароитлар ҳар қандай об-ҳавода ҳам ўзимиз севган спорт билан мунтазам шугулланиш имконини бермоқда.

Универсал спорт майдони маҳалла ёшлари билан гавжум, файзли. Бу ерда турли спорт тадбирлари ва беллашувлар ўтказиш аънаънага айланган. Айни кунда ёшлар ўртасида Наврўз байрами олдинда волейбол ва футбол баҳслари бошлаб юборилди. Ғолиблар ва саралаб олинганлар ёш тоифасига кўра, маҳалла жамоаси шарафини ҳимоя қилиб, нуфузли мусобақаларда иштирок этади.

Волейбол бўйича 22-26 ёшли аёллар ўртасида ўтказилган мамлакат биринчилигида ғолиб бўлган “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғинидаги спортсевар ёшлар учун ҳам мана шундай кўркем универсал спорт майдончаси қуриб берилди.

— Республика турнирида ғолиб бўлганимиз билан фахрланамиз, — дейди Ҳавохон Нурматова. — Туман марказидан олинса янгидаги спортсевар ёшлар учун қизлар спорт билан шугулланиши, бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун етарли шароитлар йўқ эди. Янги мажмуа бу борада катта имконият эшикларини очди. Спорт майдони ёшлар билан гавжум. Улар юксак марраларни қўзлаб,



машгулотларга зўр бермоқда, маҳорат ва малакаларини ошириб, катта спорт сари дадил қадам ташламоқда.

“Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида ғолиб бўлган маҳалла ёшлари сафига Қувасой шаҳридаги “Арсиф” маҳалла фуқаролар йиғини спортчилари ҳам бор. Улар нуфузли беллашувнинг стритбол спорт турида 27-30 ёш тоифасидаги аёллар мусобақасининг мутлақ ғолиби сифатида эътироф этилди.

— Оммавий спорт мусобақаларининг 2023 йил биринчи ва иккинчи мавсум якуни бўйича 15 та олтин, 11 та кумуш, 11 та бронза медаль қўлга киритилди, 15 та маҳалла фуқаролар йиғинида стритворкаут, воркаут ва универсал спорт майдончалари қурилиб фойдаланишга топширилди, — дейди Фаргона вилояти спорт бошқармаси бошлиғи Нодирбек Ҳакимов. — Беллашувлар қизгин ва муросасиз курашларга бой кечмоқда. Шу кунга қадар нуфузли баҳсларда муносиб иштирок этган 1200 дан зиёд иқтидорли ёш таниқли спорт жамоаларининг фаол аъзосига айланди. Ўтган икки йил давомида мусобақанинг республика босқичларида юқори савияда иштирок этиб, ғолиб бўлган 67 та маҳалла фуқаролар йиғини ёшлари замонавий спорт майдончаларида қуриш сертификатини қўлга киритди. Бундан ташқари, 16-30 ёш тоифасида пара енгил атлетика, пара шашка, пара шахмат, пара стол теннис, пара киберспорт бўйича ўтказилган мусобақаларнинг мамлакат босқичида 3 та олтин, 4 та кумуш, 3 та бронза медаль қўлга киритилди.

Сирасини айтганда, аҳоли ва маҳалла ёшлари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спортни оммалаштириш, иқтидорли ёшларни саралаш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган спорт мусобақасининг ғолиб ва совриндорлари сафи тобора кенгаймоқда.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Ёшлик ғайрати

Газетамизда чиқиш қилиб турадиган наманганлик бир муаллимимиз кўнғирок қилганида, одатдагидек юборажақ мақоласи ҳақида олдиндан бир оз тушунча беради, деган ўй келганди. Муаллиф эса ўқиш ва жамоат ишларида фаол бир талаба унинг ёнига келгани, бугун ёшларга яратилаётган шароитлар учун миннатдорлигини наشريмиз орқали билдиришни истаётганини айтди.

Наманган давлат университети табиий фанлар факультетининг 4-босқич талабаси Шаҳзод Нуъмонов билан қисқача суҳбатдан сўнг унинг газетда чиқиш ниятига ўзимиз ҳам хайрихоҳ бўлдик.

— Биз ҳар соҳада дунёнинг энг ривожланган давлатлари билан бўйлашиб бораётган янги Ўзбекистоннинг бахтли авлоди сифатида ривожланишлар асрида яшаймиз. Иқтидоримизни намоеъ этишимиз учун барча шароитлар, имкониятлар яратилган. Янги таҳрирдаги Конституция-миз ёшлар манфаатларини ҳимоялашга қаратилган алоҳида модда киритилди. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳам бизга юксак эътибор қаратилганидан ниятда хурсандимиз, — дея дил сўзларини бошлади Шаҳзод. — Умуман олганда, бугун юртимизда ёшларнинг таълим олиши, ақлан ва маънан етуқ, жисмонан соғлом бўлиши йўлида қилинаётган ишлар салмоғи ҳақиқатан катта эканини тан олишимиз керак. Университетимизнинг иқтидорли йигит-қизлари биргина ўтган йилда республика даражасидаги 4 та лойиҳа, 19 та стартап яратди, илмий тадқиқот ишлари билан шугулланаётган иқтидорли талабаларнинг



долзарб мавзулардаги илмий мақола, тезислари хорижий ва республика миқёсидаги нуфузли журналларда чоп этилди. “Заковат” чиларимиз эришаётган ютуқлар қалбларга ифтихор бахш этади. “Заковатда куч!” тамойилига амал қилинган ҳолда вилоятимизда бу борадаги ишлар

тизимли йўлга қўйилгани айни мудоао бўлди. Ҳафтининг ҳар шанба кунини олий таълим муассасалари талабалари ўртасида “Талабалар лигаси”, мактаб ва касб-ҳунар мактаблари ўқувчилари ўртасида “Ўқувчилар лигаси” ўйинлари ўтказилиб, мактовга арирли натижаларга эришиляпти. Масалан, НамДУ жамоаси 2023 йилнинг 23-26 май кунлари Бухоро шаҳрида ўтказилган интеллектуал олимпиаданинг “Брейн-ринг” ўйинларида мутлақ ғалабага эришиб, 50 миллион сўм пул мукофотини қўлга киритди. Июнь ойида эса водийдаги олий таълим муассасалари биринчилигида тенгсиз топилиб, 30 миллион сўм мукофотга эга бўлди. Халқаро гуллар байрами арафасида ўтказилган вилоят биринчилигида ҳам 30 миллион сўм пул мукофоти айнан бизнинг жамоага насиб этди.

Бу каби ютуқлар ёш авлодга кенг имконият эшиклари очиб берилаётганидан, деб биламан. 2024 йилнинг “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” деб номланиши ҳам Ўзбекистон ёшларига кўтаринкилик, куч-ғайрат бахш этди, десак хато бўлмайдик. Шунингдек, бу ҳар бир ватанпарвар, илгор фикрли ёш учун масъулият ҳам дегани. Бинобарин, йилдан-йилга

аҳоли сони ортиб бораётган давлатимизда салоҳиятли кадрларга эҳтиёж катта. Чунки мамлакатнинг фаровон ва обод келажagini қуришда чуқур билим ва пухта ҳунар эгаллардан, чет тилни биладиган ёшлар керак бўлади.

Шаҳзоднинг ҳам ўз олдида қўйган мақсадларини эзгу ниятлари бор. Аҳолисининг 665 минг нафарини 14-30 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ташкил этадиган Наманганда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, хусусан, спорт, тил ўрганиш, китобхонлик ва IT соҳага қизиқишини ошириш, бандлигини таъминлаш масалаларига бирламчи эътибор қаратилаётгани унинг ҳаётига ҳам ёруғлик бериб турган. Эртанинг эгаларининг бизнес ва стартап гоёларини амалга ошириш мақсадида жами 127 гектар ерда 18 та “Ёшлар саноат зонаси” ташкил этилгани, бу орқали уларнинг 400 дан ортиқ лойиҳаси асосида 16 минг 500 дан зиёд янги иш ўрни очилгани уни тинимсиз изланишга, ўз устида ишлашга ундайди.

Қаҳрамонимиз сопол ва чинни ишлаб чиқариш заводлари чиқиндиларини бирламчи гипс маҳсулотга айлантириш ҳамда пўлат симларни чўзишда қўлланиладиган



импорт композитларни маҳаллий ашёлар асосида ишлаб чиқариш технологияси устида иш олиб борапти.

— Мен ҳам жамиятнинг бир фаол ёши ва мамлакат тақдирига бефарқ бўлмаган инсон сифатида шу йил охирига қадар кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш йўлида изланиб, ўзим яшайдиган ҳудуд иқтисодини юксалтиришга муносиб ҳисса қўлишга, тенгдош тадбиркорлар сафини кенгайтиришга астойдил киришдим, — дейди Шаҳзод. — Чунонинг, юртимизда қурилиш материалларига, хусусан, пўлат симларга эҳтиёж йил сайин ошиб борапти. Пўлат симларга ишлов бериш эса янги технологияларни талаб қилади. Сим чўзишда, асосан, қуруқ композитдан фойдаланилади. У юртимизга Хитой ва Россиядан 100

фоиз валюта ҳисобига импорт қилинади. Республикаимизда бу хомашёга эҳтиёжи бўлган корхоналар қирқдан зиёдлигини инобатга олсак, валюта импорт учун четга чиқиб кетаётгани яхши эмас, албатта.

Шу маънода Шаҳзод кўзда тутган лойиҳа амалга ошиши билан импорт маҳсулот ўринини янги маҳаллий хомашё эгаллаши, тегишли корхоналарга сифатли ва арзон маҳсулот етказиб берилиши, валюта тежамкорлиги ошиши, энг муҳими, иш ўрни яратишдек самарали натижаларга эришиш мумкинлигидан хурсанд бўлдик.

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

МАРД АСКАРГА

ҳамқадам қалблар анжумани



Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясида “Мард аскарга совға” туркумида чоп этилган 7 та китобнинг тақдимот маросими ўтказилди. Унда Мудофаа вазирлиги масъул ходимлари, офицерлар, сержантлар, ҳарбий таълим муассасалари ва “Темурбеклар мактаби” курсантлари, мудатли ҳарбий хизматчилар, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари, фахрийлар, таниқли шоир-ёзувчилар, санъаткорлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбир аввалида давлат мадҳияси янгради. Мудофаа вазирлиги томонидан тайёрланган ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги видеоролик намойиш қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Хайриддин Султонов тақдиримни очар экан, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси асосида Мудофаа вазирлиги, Маданият вазирлиги ва Ёзувчилар уюشمаси томонидан Қуролли Кучлар тизими ҳарбий хизматчилари, ҳарбий таълим муассасалари курсантлари учун “Мард аскарга совға” туркумида ихчам китобларни нашр этиш йўлга қўйилгани ижодкорларимиз билан ҳарбий хизматчилар орасидаги ақдллик ва ҳамфикрликни мустаҳкамлаётганини мамнуният билан таъкидлади:

— Дунёда турли хавф-хатар ва таҳдидлар, қуролли тўқнашувлар тобора кучайиб бораётган ҳозирги даврда юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, Қуролли Кучларимиз қудрати ва салоҳиятини ошириш, ҳарбий хизматчиларнинг ватанпарварлик туйғуси ва жанговар руҳини юксалтириш ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Бунга барчамиз — мана шу гўзал ва бетакрор юрtda, жонажон Ўзбекистонимизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир фуқаро, ҳар бир ватандошимиз нафақат гувоҳимиз, балки биринчи навбатда масъулдиримиз. Бугун биз ҳарбий дўстларимизга — бронжилет остидаги “юраклар”нинг баҳодир соҳибларига яна бир музаам тўплам — “Туркий адабиёт дурдоналари”ни ҳам тўхфа этмоқчимиз.

Дарҳақиқат, шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар, актёрлар, бир сўз билан айтганда, ижодкор ва зиялилар қатлами доимий равишда ҳарбий қисмларда бўлиб, аскарлар билан самимий учрашувлар ўтказмоқда. Замонамиз қаҳрамонлари бўлган мард ва ватанпарвар ҳарбийларимиз ҳақида турли бадий асарлар яратилмоқда. Ана шундай асарлар муаллифлари Мудофаа вазирлигининг кўкрак нишонин билан тақдирланди.

— Миллий армиямиз ҳарбий хизматчилари онгига Ватанимиз дахлсизлигини, миллий мустақиллигимизни кўз қорачиғиди асраш, ҳар қандай тажовузга қарши мардонавор курашиш, юрт ҳимоячиси номини шараф билан оқлашдек юксак гоъни, миллий гурур ва жанговар руҳини



чуқур сингдириш — Қуролли Кучларда юқори жанговар шайлик, барқарор ахлоқий-руҳий ҳолат ҳамда шахсий таркибнинг галабага бўлган мустаҳкам ишончини таъминлашнинг энг муҳим шарти ҳисобланади, — деди Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Баҳодир Қурбонов.

— Шу боис, Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида кейинги йилларда миллий армиямизнинг жанговар қобилияти ва унинг маънавий қиёфасини тубдан ўзгартириш борасида кенг қўлами ишлар амалга оширилмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, ҳурматли ёзувчи ва шоирларга, маданият ва санъат намояндаларига “Мард аскарга совға” туркумидаги китобларни бизга тақдим этаётгани, миллий армиямизнинг маънавий қиёфасини юксалтириш, унинг жанговар руҳини мустаҳкамлаш йўлидаги катта хизматлари учун барча ҳарбийлар номидан чуқур миннатдорлик билдираман.

Ушбу туркум китоблар Қуролли Кучлар тизимида олиб борилаётган янгича ислохотлар туфайли юртимизда шаклланган “Халқ билан армия — бир тану бир жон” деган эзгу анъананинг, айниқса, ижодкорларимиз ва ҳарбий хизматчилар орасида тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради.

— “Адабиёт” нашриётида чоп этилган бу тўпламларда истеъдодли адибларимизнинг она Ватанга садоқат, фидойилик, мардлик ва жасорат каби фазилатлар тараннум этилган энг сара ҳикоялари, шеър ва дostonларидан парчалар, шу мавзудаги машҳур кўшиқларнинг матнлари жамланган, — дейди Ёзувчилар уюشمаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиiddин Саййид. — “Мард аскарга совға” лойиҳасини мунтазам давом эттириш ва ушбу китобларни тез орада барча ҳарбий қисм ва округлар, ҳарбий таълим муассасаларига етказиш режалаштирилган.

Тақдиротда ихчам ва қўлай ҳажмда нашр этилаётган мазкур китоблар аскар ва курсантларнинг доимий ҳамроҳига айланиб, уларни она Ватанимизга муносиб фарзанд бўлиш, эл-юртимиз озоdлиги, халқимиз фаровонлиги учун курашиш, мана шу йўлда жон фидо этган буюк аждодларимиз ва қаҳрамон юртдошларимизга муносиб бўлишга даъват этишига ишонч билдирилди.

— 2022 йилда ушбу туркумдаги дастлабки 11 та китоб нашрга тайёрланиб, жами 35 минг нусхада чоп этилган эди, — дейди Мудофаа вазирлиги кўкрак нишонин соҳиби, Ёзувчилар уюشمаси масъул котиби, шоир Муҳиддин Абдусамад. — Тарихимизнинг қайси даврини олмайлик, халқимиз азалдан ўз ҳаётининг қал-

қони бўлган, уни турли боло-қазолардан ҳимоя қиладиган, эғнига ҳарбий либос кийган ўғлонларига ҳамisha катта ишонч ва ҳурмат билан муносабатда бўлган. “Мард аскарга совға” туркумидаги китоблардан ўрин олган энг сара шеър ва ҳикояларни ўқиб, бу ҳақиқатга яна бир бор ишонч ҳосил қилиш мумкин. Фитрат, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Гафур Гулом каби адиб ва шоирларимиздан то бугунги энг ёш ижодкорлар қаламига мансуб назм ва наср дурдоналарини саралаб, маънавий-маърифий хазинамиз қанчалар бой эканига гувоҳ бўласиз.

Ва ниҳоят, саҳнада мушоира бошланди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Қутлибека Раҳимбоева, таниқли шоир Салим Ашур, ёш ижодкорлар Шоди Отамурод ва Шаҳриёр Шавкат иштирокчиларга озоdлик, жасорат, мардликни тараннум этувчи шеърларидан ўқиб берди. Айниқса, “Алпомиш” достони қаҳрамони Ёдгорга қарата айtilган мана бу мисралар қалбларга ўзгача сурур ва завқ олиб кирди:

Бугун бошда озоdлигин бор,
Яхши оқсат яхши-ёмонни,
Сендан бошқа кўтаролмайди
Ўн тўрт болтмон
Ўзбекистонни!

Таниқли шоирлар, санъаткорлар, Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли жамоасининг бадий чикишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Оппок қор тўшалаётган йўллардан оҳиста юриб, “Мард аскарга совға”ни арақлар эканимиз, тақдиротдан қалбимиз фарахбахш туйғуларга тўлганини ҳис қилдик. Севимли шоиримиз Шавкат Раҳмоннинг “Менким эзушликнинг элчиси — шоир”, “Зулфқор руҳ керак, керак чин ёдду...”, “Ниҳоят шоирдан кўра зобитман” каби мисраларини яна бир бор ёдга олиб, ҳар бир юртдошимизнинг қалби, қисмати пўлатдай тоблишини, асл одамийликка эш, Ватан, Халқ, Жасорат, Озоdлик сўзларига уйғун камол топишини истадик. Шу боис, бу кутлуг кундаги тақдиротни “Мард аскарга ҳамқадам қалблар анжумани” деб атагимиз келди.

Мухтасар ТОЖИМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Менда тақлиф бор

“Изоҳли луғат”дан ташқарида...

ёки таржима асарларда қўлланган сўзлар ҳақида мулоҳазалар

Маъмура ЗОҲИДОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси аъзоси

Таржимон — сўз заргари. Сўзнинг маъно товланишлари борасида ҳеч ким таржимончалик кўп изланмайди. Таржимон бошқа тилдан бирор асарни ўзбек китобхони учун ўғира экан, тилимизда мавжуд имкониятлар доирасида катта меҳнат қиладди, ахтарилади, муносиб сўзни қўлайди. Албатта, бу сўзларни ҳаводан олмайди. Муносиб сўз эса тилимизда, шеваляримизда, тарихий-бадий асарларимизда мавжуд бўлади.

Натижада таржимон ўзи яратган таржима матнида сўзларнинг зарурий маъносидан келиб чиқиб, луғатдан ташқарида мавжуд бўлган сўзларни ҳам ўқувчига тақдим этади. Фақат маълум бир сабаб билан изоҳли луғатта қирмай қолган бундай сўзларни имкон қадар тезроқ топиш ва кейинги нашрларга киритиш зарур. Бугун интернет даври деганимиз билан ўзбек адабиёти манбаларининг жуда катта қисми электрон шаклга ҳали ўтказилмаган. Бор манбалар, қуввати баланд шеваларни ўрганиб, тақдир этиш эса таржимондан катта куч ва бадқ талаб қиладди.

Нима бўлганда ҳам луғатлар фурсат ўтгани сайин такомиллаштирилади. Бу жараён эса ўзини оқлаши зарур. Биргина мисол: таржимон Олим Отахоннинг Хулио Кортасардан таржимасида биз бугун ҳар қандай турдаги қоғоз сочиқчаларга нисбатан қўлайдиган “салфетка” сўзининг “патқоғоз” шакли учрайди. Бу жуда мазмунли ва шу кичик буюмнинг кўз олдида келтириб қўйдиган сўз бўлган. Агар шу сўз изоҳли луғатимиздан мана бу кўринишда жой олганда, маъқул иш бўларди.

Патқоғоз — ошхонада ишлатиладиган бир марталик қоғоз салфетка. “Пиццаларнинг ҳиди димоқларни қитиқлаётган, ҳар қаерда қўллар, оғиз-лаблар артилган патқоғозлар сочилиб ётган қанчадан-қанча кўнглилар сайилгоҳларга қадам ранжсида қилар эдик”. (Х.Кортасар. “Ўйиннинг туғиши” асарида. Олим Отахон таржимаси).

Бу каби сўзлар таржима асарларда талайгина.

Ўзбек адабиётида катта таржимачилик мактаби яратилган. Бу табарруқ мактабни чуқур муталаа ва солиштириш, қиёсий ўрганиш йўли билан ўташ бугунги ёш мутаржимларнинг ҳам бурчидир. Ўрганишлар ёш таржимонларнинг сўз бойлигини оширади, тилимиз имкониятларидан унумли фойдаланишга тайёрлайди. Агар ёш таржимонлар бугунги изоҳли луғатлар доирасидаги сўзлар билан чекланиб қолса, адабий асарларда намоён бўладиган тилимиз ширадорлигига путур етиб, таржималар гариблашиб қолган бўларди. Аммо кейинги давр ёш таржимонларнинг асарияти изоҳли луғатда мавжуд бўлмаган сўзларни ишлатмаслик керак, деган нотўғри тушунишда юрибди.



Таржима асарлар луғатимиз учун катта манба бўлиши лойик. Бунинг биргина мутаржимнинг бир-икки таржимаси мисолда айтиб ўтишни лозим топамиз.

Таржимон Иброҳим Гафуров жаҳон адабиётининг қанчадан-қанча асарларини ўзбек китобхонига тақдим этганини яхши биламиз. Иброҳим Гафуров таржималарида шундай сўзлар учрайдики, уларнинг ҳар бири устиди ўйланиб қоламиз. Нега бу сўз луғатимиздан жой олмаган? Сабаби — битта. Бу сўзлар муаллифлик асарларида учрамайди ёки уларни топиб, аниқлай олмадик ҳали. Тақдим этиладиган сўзларнинг барчаси нутқимизда мавжуд ҳамда ёзма адабиётимизда ҳам қўлланади. Уларни турли услубдаги матнларда бемалол ишлатиш мумкин. Қолаверса, бу сўзларнинг луғатларда мавжуд синонимлари айнан шу маъно қиррасини кўрсата олмайди.

Биз таржимон томонидан ўзбек китобхонига тақдим этилган Чингиз Айтматовнинг “Қулаётган тоғлар” ва Мопассаннинг “Азизим” романлари матнига мурожаат қилдик. Қуйида ушбу икки таржима асар матнида учрайдиган ҳамда нутқимизда фалқ қўлланадиган айрим сўзларга тўхталамиз.

Англам — билиш натижасида пайдо бўлган тушунича, ҳис, туйғу. “Эҳтимол, шу билан бирга, менда ҳозирги ОАВларнинг чинакам умумжаҳон миқёсидаги аҳамиятига ўзига хос ёндашув, ўзига хос англам тугилар”. (“Қулаётган тоғлар”).

Кунламоқ — ҳасад қилмоқ, кўролмаслик, рашиқ, кўзини ўймоқ. “Шу юлдузларга бош олиб кетсанг, улар бир-бирларини кунламайдилар, қишин-ёзин ҳамжиҳат, ҳамisha бирга”. (“Қулаётган тоғлар”).

Масаррат (арабча — “сурур” сўзидан) — сурур, шуқуқ, завқ, “Орта қайтишаркан, муваббат аъзига бутун теварак-атрофнинг масаррати уларга ҳамроҳлик қилди”. (“Қулаётган тоғлар”).

Мунграммоқ — инграммоқ маъносига яқин сўз, ғамгин, мунгли, ҳазин бўлмоқ. “Жаабарас ҳасратдан мунграммоқ ётарди”. (“Қулаётган тоғлар”).

Тонгриқмоқ — (феъл) феъли тораймоқ, сиқилмоқ, ўз ҳолатидан рози бўла олмай қийналиш ҳолати. “Тонгриққан Жаабарас сесканиб кўзини очди”. (“Қулаётган тоғлар”).

Тункукук — қуш тури, бойқушсимон қуш. “Тунги бойқуш — тункукук уларга гулдираб-гулдираб ух тортар, қушлар эса

парвойига келтирмасди...”. (“Қулаётган тоғлар”).

Учурум — тик тоғ тизмаларининг қоронғи, тубсиз қаърлари. “...Оддийгина кўк майсадан тортиб, ёз чоғи бу жойларни қора тортиб келган учурумлар ва тизмалар узра оҳиста чарх урган тўдаланган қушларчага ўзидан баҳраманд этади”. (“Қулаётган тоғлар”).

Хавл (арабча) — қўркув. “Фақат Жаабарасгина... кўнгли оғир бир нарсаларни сезган, хавл оғандай бўларди”. (“Қулаётган тоғлар”).

Чинганлик — майсазор, ажриқ босган кенг адирлик ва тоғлар ораларидаги яшил сай-қонлиқлар. “Маъшуқаси билан гашт қилиш учун махлуқ қадами етмаган ажиб чинганликларда, майин ҳид таратган зумрад ўтинқларда юксак тозаларнинг сарин ҳавосидан баҳрадор бўлиб сайрга чиқдилар”. (“Қулаётган тоғлар”).

Шабохун — ҳарбий маънода, ёвга тўсатдан ҳужум қилиш. “Эс фасли ҳам иккинчи палласига кўчири, у эса ҳамон бу ерларга шабохун уриб келар, боши оққанча дайиди юрарди”. (“Қулаётган тоғлар”).

Ясоий — ясатиқ, безатилган маъносида. “Бундай қаранда, ажабланарли ясоий ҳам йўқ, ҳар кимнинг ўзига яраша иш-ташвиши, иш тутуми”. (“Қулаётган тоғлар”).

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

